

ҚАШҚАДАРЁДАГИ УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ЯНГИЛАНИШЛАР ШУКУҲИ ОДАМЛАР ҲАЁТИГА КИРИБ БОРМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож, ислохотлар натижадорлиги билан яқиндан танишиш мақсадида 19-20 июнь куни Қашқадарё вилоятида бўлди.



Қўқдала туманида 20 июнь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда улкан ўзгаришлар бўлаётгани, ислохотлар одамлар ҳаётига кириб бораётганини қайд этди.

Олдинлари вилоят саноатининг ярмидан кўпи нефть-газ ва кимё тармоғига тўғри келарди. Сўнгги йилларда электр техникаси, қурилиш материаллари, тўқимачилик, мебелчилик соҳаларида “катта сакраш” бўлди. Ҳозир бу тармоқларнинг саноатдаги улуши 54 фоизни ташкил этапти.

Лекин ҳаёт тўхтаб турмайди, ҳали қилинадиган вазифалар кўп. Таҳлилларга кўра, Қашқадарёда ишга солинмаган камда 15 миллиард долларлик салоҳият бор. Бу имкониятларнинг учдан бири лойиҳага айлантирилса ҳам, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотини келгуси беш йилда бемалол 10 миллиард доллардан ошириш мумкин.

Маълумки, жадал ривожланиш дастурига кирган туманларда “Ислохотлар штаби”

тузилмоқда. Шахрисабз, Яккабоғ ва Қўқдалада ишга тушган янги лойиҳалар бунда тайёр андоза экани таъкидланди. Энди шундай штаб вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиши белгиланди.

Президентимиз вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Энг катта заҳира қишлоқ хўжалиги ерлари экани қайд этилди. Мисол учун, Қашқадарёдаги сугориладиган қишлоқ ерлари 515 минг гектарни, томоққа ва боғдорчилик ерлари 45 минг гектарни ташкил қилиб, республикада биринчи ўринда.

Бундан ташқари, вилоятда 1,3 миллион гектар яйлов ва ўрмон ерлари мавжуд. Энди улардан самарали фойдаланиш учун алоҳида компания ташкил қилинади. Инвестиция жалб қилиш, лойиҳаларни молиялаштириш ва улуш билан кириш учун унга акциядорлик жамияти мақоми берилиб, Кузатув кенгашига Бош вазир раҳбарлик қилади. Компанияга дастлабки босқичда 100 миллион доллар ажратилади. Бу маблағ ва қўшимча

инвестиция ҳисобига, икки йилда вилоятдаги камда 200 минг гектар яйлов ва ўрмон ерлари лазерли текисланиб, сув тековчи технологиялар жорий қилинади.

Қашқадарёда қорвачиликни комплекс ривожлантириш дастури бошланади. Бунинг учун Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 12 ойгача 14 фоизли кредитлар ажратилади. Бу орқали вилоятдаги 127 та чорвадор тўлиқ қувватга чиқади. Ери ҳам, фермаси ҳам борларга имтиёзли маблағ берилади.

Йил бошидан бери вилоятда мева-сабзавот экспорти 2 қарра ошиб, 62 миллион долларга етган. Айниқса, Қўқдала тарвузлари машҳур. Қашқадарёда бунни помидор бўйича ҳам қилса бўлади. Шу мақсадда 13 та тумандаги 6 минг гектар ерда помидор етиштириш йўлга қўйилади.

Картошқачилик учун 10 фоиздан 12 ой муддатга имтиёзли кредит ажратилади. Бу тармоққа зарур техникалар импорт божидан озод этилади, юқори авлодли уруғ харид қилишда қўшилган қиймат солиғининг 50 фоизи қайтариб берилади.

Аҳолини ишли қилиш ва камбағалликни қисқартириш энг долзарб масалалардан. Йил бошидан 284 минг одамнинг бандлиги таъминлангани билан яна минглаб ишсизлар бор.

Шу боис, бу йил Қашқадарёда 470 минг кишини банд қилиш, 150 минг оилани камбағалликдан чиқариш, Китоб тумани, Қарши ва Шахрисабз шаҳрини “ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд”га айлантириш бўйича катта марра олинган.

Хусусан, Шахрисабз, Қамаш, Ғузор ва Чироқчи туманларидаги табиат гўшаларида туризм масканлари барпо этилади. Қўқдаладаги Чиял бозорида яхна тайёрловчилар учун шароит ва санитария яхшиланиб, гастронимик туризм кенгайтирилади. Шахрисабз шаҳри Қорасув маҳалласида темирчилик маркази ташкил қилинади.

Ишсиз фуқаролар хорижий тилларга ўқитилиб, юқори даромад берадиган мамлакатларга ишга юборилади. Аукционда сотиладиган 120 дан ортиқ объект ва 400 гектар ер негизда корхоналар ташкил этиб, 70 минг иш ўрни очил чоралари кўрилади.

Бу йил Қашқадарёда 3,5 миллиард доллар инвестиция бўйича катта марра олинган. Ўтган беш ойда Косон, Китоб ва Чироқчида инвестиция қарийб 2 қарра ошган.

Вилоятдаги конлар инвестиция жалб этиб, қўшилган қиймат яратиш учун катта имконият экани қайд этилди. Масалан, Китобдаги 5 та истиқболли майдонда 39 тонна олтин, Чироқчида 10 минг тонна ноёб металллар захираси аниқланган. Қурилиш материаллари соҳасида 150 миллион долларлик 16 та лойиҳа тайёрланган.

Мубораққадги газни қайта ишлаш заводи атрофидаги инфратузилмадан фойдаланиб, 200 гектар майдонда инновацион саноат зонаси ташкил этилади. Унда кластер тизими асосида нефть-кимё, электротехника, робототехника ва қурилиш материаллари бўйича 5 та йирик лойиҳа амалга оширилади.

Вилоят пахта етиштириш бўйича етакчи бўлса-да, тўқимачилик саноатидаги улуши 10 фоизга ҳам етмайди. Бу соҳада 400 миллион долларлик 35 та лойиҳа бошланади. Жорий йил ип-калавани қайта ишлаш 51 фоизга, келгуси йили 100 фоизга етказиш чоралари кўрилади.

Бундай иқтисодий лойиҳалар учун ривожланган инфратузилма зарур. Масалан, “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” йўлининг вилоятдан ўтган 100 километрлик реконструкция қилиш ҳисобига транзит салоҳиятини 3 қарра ошириш мумкин.

“Қарши — Шахрисабз — Китоб” магистрал йўлининг 106 километри реконструкция қилиниб, 2 тасмадан 4 тасмага ўтказилади. Бу лойиҳа доирасида Қамаш ва Яккабоғ марказидан айланиб ўтадиган 34 километрли

янги йўл ҳам барпо этилади. Ислол тараққиёт банки иштирокида “Тошкент — Термиз” йўлининг Қашқадарёдан ўтган 60 километри ҳам 4 тасмали қилиниб, цемент-бетон қопламага ўтказилади.

Аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш учун 7 минг 700 та хонадонли уйлар барпо этилади. Бу йил 183 километр сув ва канализация тармоғи, 8 та сув иншооти қурилади.

Йиғилишда ёшлар бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Уларни “Ёшлар бизнеси” дастурига, олийгоҳ битирувчиларини “Келажакка қадам” дастурига қамраб олиб, тадбиркорлик ва бандлигига қўмаклашиш вазифаси қўйилди.

— Кўриб турганингиздек, Қашқадарёда режалаштирган ишларимиз кўп. Амир Темурдек буюк аждодимиздан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб олган меҳнатсевар, самимий ва олийжаноб вилоят аҳли билан олдимизга қўйган улкан марраларга албатта эришамиз. Аминманки, қашқадарёликлар барча ислохотларимизнинг олдинги сафида бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вилоят ва туман ҳокимлари, тармок раҳбарлари ахборот берди, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилояти Қўқдала тумани маъмурий марказидаги улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бу туман давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳолига қулайликлар яратиш, урбанизация жараёنларини тартибга солиш мақсадида уч йил аввал ташкил этилган эди. Шундан сўнг ҳудуд ривож жаддаллашиб кетди. Бугун Еттиотом яқинида янги шаҳар пайдо бўлмоқда.

Авалло, 120 километр сув, 210 километр электр тармоғи қурилиб, зарур инфратузилма яратилди. Йўллар кенгайтириб, таъмирланди. Маъмурий бинолар, 19 та мактаб, 22 та боғча, кўп тармоқли шифохона ва оилавий поликлиника барпо этилди.

Эътиборлиси, туман ҳокимлиги биноси мамлакатимизда янги тажрибанинг бошланиши бўлди. Бу ерда 38 та давлат идораси бир жойда жамланган. Бу аҳолига катта қулайлик яратмоқда. Авваллари бирор юмуш юзасидан олис масофаларни босиб, Чироқчи тумани идораларига қатнаган фуқаролар энди барча хизматларни ўзига яқин жойда олапти.

Президентимиз Қўқдаладаги бунёдкорлик, бундай яхлит ва мутаносиб шароитлар барча туманлар учун намуна эканини таъкидлади.

Хусусан, “Инсон” маркази ҳам ҳокимлик биносидан жойлашган. Бу ерда аҳоли учун ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар бир нуқтада комплекс шаклда тақдим этилади. Унинг дастурий тизими 55 та дахлдор ташкилотларнинг маълумотлари билан интеграция қилинган. Болалар, ногиронлиги бор инсонлар, кексалар ва ижтимоий тўловлар тизими ўзаро боғланган.

Давлатимиз раҳбари туман марказидаги Еттиотом кичик саноат зонасида ҳам бўлди.

Тўрт гектар майдонда тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш ва хўжалик моллари каби йўналишларда қиймати 10 миллион долларлик тўққизта кичик лойиҳа жойлаштирилган. Масалан, “Komfort Star New” корхонасида иситиш қозонлари ва бошқа темир маҳсулотлар, “Komfort Industrial Aria”да чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Умуман, саноат зонасида 600 дан ортиқ доимий иш ўрни очилди.

Президентимиз янги бунёд этилган санъат саройини ҳам бориб кўрди.

Бу ерда 255 ўринли томоша зали, кўплаб тўғарақ хоналари бор. Сарой замонавий чолғу асбоблари билан таъминланган, овоз ёзиш студияси, овоз кучайтириш мосламалари, мукамал совитиш ва иситиш тизими билан жиҳозланган.

Диққатга сазовор жиҳати, тумандаги санъат мактаби, умумтаълим мактаби ва спорт мажмуаси у билан яқин жойлашган. Давлатимиз раҳбари бу болаларга қулай бўлишини таъкидлаб, келгуси лойиҳаларда шунини қўлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз ёш ижрочиларнинг бадий чиқишларини ҳам кузатди.

— Сизларни кўриб, Амир Темур бобомиз юртида истедодлар кўплигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ғайратли бўлиб, билим олишдан тўхтамасангиз, Ўзбекистон буюклигининг замини сизлар бўласиз, — деди Шавкат Мирзиёев ёшларга қарата.

Марказда, шунингдек, болалар майдончалари, яшил ҳудудлар, савдо ва сервис марказлари уйғунликда қурилмоқда. Умуман, 200 дан ортиқ объект барпо этилди. Бу бунёдкорлик ва қулайликлардан аҳоли мамнун.

Ҳудудда яна ижтимоий соҳа объектлари, кутубхона, спорт майдонлари, маданият марказлари қурилиши давом этмоқда.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбирлари



ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА САМАРҚАНД МУЛОҚОТИ



Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштирокчиси сифатида глобал ташаббусларни илгари суриб, халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамламоқда. Айниқса, БМТнинг масъулиятли аъзоси сифатида жаҳон ҳамжамияти олдидаги мажбуриятларини бажариб, тинчлик, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари, экологик хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

СОҲА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ВОҚЕЛИККА АЙЛанаДИ

Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро тадбирларга мезбонлик қилмоқда. Шу йил 23-25 июнь кунлари Самарқандда ана шундай глобал аҳамиятга эга йирик тадбирлардан бири — БМТнинг Давлат хизмати форуми (UN Public Service Forum 2025) бўлиб ўтиши кутилляпти. Эътиборлиси, форум дунё миқёсида **Халқаро давлат хизмати кўни** нишонланадиган санада старт олади.

Форумда давлат хизмати соҳасини ислох қилишнинг инновацион ечимлари кўриб чиқилади, ёшларни давлат хизматига жалб қилиш ва бу соҳани оммалаштириш масалалари муҳокама этилади, давлат бошқарувида шаффофлик, самарадорлик ва адолат тамойилларини ривожлантириш имкониятлари юзасидан тажриба алмашилади. Шунингдек, бундай тадбирларда давлат хизматчиларининг жамият ривожиди ўрни ва хизматлари эътироф этилади,

БМТнинг “Public Service Awards” — давлат хизмати соҳасида инновацион ва самарали ташаббуслар учун мукофотлар топирилади.

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти (UN DESA) томонидан Ўзбекистон Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш ва Стратегик ислохотлар агентликлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган форумда турли мамлакатлардан давлат ҳокимияти вакиллари, сиёсатчилар, давлат бошқаруви бўйича экспертлар, амалиётчи мутахассислар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти ҳамда илмий-академик доира вакиллари иштирок этади.

➡ Давоми 3-бетда

ПАРКЕНТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Эрта тонгдан ҳамкасбим билан яна хизмат сафари бўйича йўлга тушдик. Бу рағми манзилимиз Тошкент вилояти Паркент тумани. Шу кунлардаги иссиқда сўлим табиатли, пойтахт ҳавосидан анча салқин, тоғ ҳавосида хордиқ чиқариш учун Паркент айлани муқддо бўлади. Аммо биз дам олишга эмас, балки шу мақсадда ўша томонларга йўл оладиган аҳоли, хорижий меҳмонлар учун бугун ҳудудда яратилган янги шароитларни кўришга отландик.

ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Президент ташрифидан сўнг

Бир муддат илгари Паркент томонларга ўтганимда катта қурилишларга кўзим тушганди. Йўл четига қад ростлаётган кўп қаватли уйларни кўриб, бирор тадбиркорга тегишли бўлса керак деган ўй ўтган. Аммо билсам, Паркентда жадаллик билан давом этаётган қатор йирик лойиҳалар бундан бир йил олдин давлатимиз раҳбари топириги билан бошланган экан. Аҳоли учун турар жой масканлари, янги йўллар, дам олиш ва истироҳат боғлари, туризм объектлари қурилиши каби лойиҳалар кўлами ниҳоятда кенг. Аввал туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бирдангига бундай катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилгани ҳақида эшитмагандик. Ҳозирги шиддат анча юқори, ҳатто қисқа вақтда лойиҳаларнинг айримлари бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

➡ Давоми 4-бетда

Ҳоким Йўлдошев олган суратлар.

МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Хуршид УСМОНОВ,
Қамаши тумани ҳокими



Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотлар бүгун янги босқичга чиқди. Бунга Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида яна бир бор амин бўлдик. Барча соҳада янги лойиҳалар, туб ислохотлар борасида ташаббуслар илгари сурилди. Умуман, кейинги йилларда вилоятимиз тубдан ўзгарди. Хусусан, саккиз йил аввал вилоят саноатининг ярмидан кўпи нефть-газ ва кимё тармоғи корхоналарига тўғри келарди. Ўтган даврда электротехника, қурилиш материаллари, тўқимачилик, мебелчилик соҳаларида катта сакраш бўлгани эътироф этилди. Ҳозирда бу тармоқларнинг саноатдаги улуши 54 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодчилар яхши билади, бу оддий одамлар ҳаётида туб ўзгариш ясайдиган даражада катта ислохотдир.

Давлатимиз раҳбари мазкур янгиланган жараёнида қашқадарёликлар фаоллик кўрсатишига ишонч билдирди. Албатта, бундай чақирикда бутун воҳа аҳли лаббай деб жавоб бердик. Айниқса, биз — масъуллар бу сафарбарликда олдинги ўринда бўлишимиз зарур. Бунинг асосида давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам теран ҳис этган эдик.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши,

аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан ўтказилган йиғилишдаги фикрлар, берилган вазифалар маҳаллий раҳбарларни чуқур хулоса чиқариб, иш услубини тубдан қайта қўриб чиқишга ундади.

Йиғилишда мамлакатимиздаги ислохотлар натижадорлиги, жойлардаги акс садо, одамларнинг кундалик турмушига таъсири ҳақида тўғри ва очиқ таҳлиллар айтилди. Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек, ислохотлар қоғозда эмас, ҳаётда

ўз ифодасини топиши керак. Буни эса халқимизнинг кайфиятидан, эртанги кунга ишончи ва бажарилаётган ишлар кўламиндан билиб олиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари “Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди туради” деб бежиз айтмади. Бу сўзлар, мен учун ҳам, жамоам учун ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишига айланади. Бу энди масъулият эмас, мажбуриятдир.

Энди иқтисодиёт, инвестиция, қишлоқ ҳўжалиги, бандлик, қурилиш, ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича тегишли туман бўлимлари ҳокимлик тизимига ўтказилмоқда. Бюджет маблағи устидан тўлиқ жавобгарлик ва мустақил қарор қабул қилиш имкони берилляпти. Бу тизим нафақат натижа талаб қилади, балки ҳар бир натижага эгалик ҳиссини ҳам юзага чиқаради.

Туманда “Ислохотлар штаби” ташкил этилиб, маҳаллалар кесимида аниқ ва ҳаётга яқин лойиҳаларни ўз ичига олган уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бу орқали ҳар бир маҳаллада қандай ўзгариш бўлиши, қайси хизматлар йўлга қўйилиши, қай турдаги иш ўринлари яратилиши олдиндан аниқ бўлади. Бюджет, инфратузилма, тадбиркорлик, инвестиция ва бандлик дастурлари айнан шу режа асосида шакллантирилади.

Йиғилишда эътибор берилган яна бир муҳим жиҳат Халқ қабулхоналарининг ҳақиқий мазмунини тиклаш масаласи бўлди. Аҳоли билан мулоқотни янада самарали ташкил қилиб, ҳафтадига бир неча марта жойларга бориб, фуқароларни тўғридан тўғри тинглаш, муаммосини жойида ҳал этиши фаолиятимизнинг кундалик қисмига айланади. Мурожаатлар эътиборсиз қол-

майди, ҳеч бир масала эртага қолдирилмайди.

Биз ташаббускорлик, ҳамжиҳатлик ва натижа билан ишлашни ўз олимизга мақсад қилиб қўйдик. Ёшлар, хотин-қизлар ва фаол тадбиркорлар билан яқин мулоқотни янада кучайтирамиз. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, замонавий агротехнологиялар ва қайта ишлаш тармоқларини кенгайтириш борасида изчил ишлар қилинади.

Жорий йилда туманимизнинг 8 та маҳалласида “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида янги сугориш тармоқлари барпо этилди. Бу аҳолининг томорқадан самарали фойдаланиши ва даромадини оширишга кенг йўл очди. Энди мазкур ишлар мантқан давом эттирилиб, маҳаллаларда сув чиқариш, электр ва йўл инфратузилмасини яхшилаш, шунингдек, сайилгоҳлар ва болалар майдончалари сонини кўпайтириш устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Олимизда аниқ йўл, мақсадлар турибди. Энди ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, халқимизнинг ишончига муносиб бўлиш учун ишлаймиз. Барча режа ва сазй-ҳаракатларимизни одамлар ҳаётини яхшилаш, ҳар бир хонадонда фаровонлигини таъминлашга қаратганмиз. Энди бу ишларни янада тизимли, самарали ва халқ манфаати-га хизмат қилувчи тарзда давом эттирамиз. Биз бунга, албатта, эришамиз. Чунки бүгун барча зарур вазифани белгилаб олдик. Энди фақат амал, натижа ва халқ розилиги йўлида ҳаракатдамиз. Эртага бу ўзгаришларни одамлар ҳаётида, юз-кўзида кўрамиз. Биз бунга тўла ишонамиз. Зеро, халқ хизматиға масъулият билан ёндашиш энг биринчи ва доим долзарб бурчимиздир.

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ҲИССИ

Шўҳрат МУРОДОВ,
Қарши шаҳридаги “Alp techno servis” хусусий корхонаси раҳбари



Ҳаётнинг қутилмаган синови кўп. Ҳа-миша ҳам биз истагандек бўлавермайди. Синови дунёнинг гоҳида пасту баланд йўл-ларидан юришга тўғри келаркан. Шундай кунларда далда берадиган кишилари бўлса, одамнинг ҳаётга мухаббатни сира сўнмас экан.

Бүгун мамлакатимиздаги ўзгаришлар, ислохотлар қалбимизда ана шундай ҳаётсе-варликни, эртанги кунга ишончини мустаҳ-камламоқда. Хусусан, имкониятлар сабаб корхонамиз фаолияти тубдан янгиланди. Ҳозир янада юксак марраларни кўзлаб, олға интиляпмиз.

Президентимизнинг Қашқадарёга таш-рифи қувончли воқеаларга бой бўлди. Со-глиқни сақлаш, тадбиркорлик, қорвачилик, инвесторларни жалб этиш каби бир-биридан муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди. Ў-лўнда айтганда, ортга қайтмас ислохотларнинг янги даври бошланди. Ана шу жараёнда биз учун жуда яхши чақирик янгради. Давлатимиз раҳ-бари қашқадарёликлар барча ислохотнинг олдинги сафида бўлишига ишонч билдирди. Буни воҳа аҳли ниҳоятда кўтаринки кайфият-да қабул қилди.

Заводимиз фаолияти билан танишар экан, Президентимиз вилоятда яна битта ҳудди шундай завод қуриш борасида топиқриқ берди. Шу боис, янги лойиҳа ишлаб чиқишга жиддий киришдик. Бундан ташқари, ҳозир заводимизга телевизор учун керакли кўпгина эҳтиёт қисмларни хориждан олиб келишга мажбур бўлишмиз. Келгусида импорт ўрнини қоплаш учун шу маҳсулотларни заводда иш-лаб чиқармоқчимиз. Бу борадаги изланиш-

ларни бошлаб юборганмиз. Келгусида ка-мида 70-80 фоиз импорт маҳсулот ўзимизда тайёрланади. Натижада маҳсулот таннархи арзонлашади. Қолаверса, янги иш ўринлари очилади.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоят-ини комплекс ривожлантиришнинг устувор ва-зифаларига бағишланган йиғилишда бандлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, вилоятда 470 минг одамни банд қилиш, 150 минг кишини камбағалликдан чиқариш, Ки-тоб тумани, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари-ни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш борасида вазифалар берилди. Бундай ислохотлар юртдошларимиз ҳаётида туб ўзгариш ясади. Даромад кириб борган оилада бахт, қувонч ҳўжм суради. Мўҳими, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Ҳа, Қашқадарё бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Бунга янада кўп ҳисса қўшиш учун имкониятлардан оқилона фойдалана ол-сақ, бас. Очиғи, ҳозир ҳаёлимдан жуда кўп ижобий ўй ўтапти. Бетақорор туйғуларни ҳис қиляман. Аммо уларни сўз билан ифода-лаб бера олмаيمан. Эҳтимол, буни қисқа қилиб, фаҳр, ҳаётсеварлик, шўқрона, эртанги кунга ишонч ва шу юртга муносиб фарзанд бўлиш туйғусининг энг юксак нуқтаси, десак тўғри бўлар.

ТУГАНМАС ҚУВВАТ МАНБАИ



Дурдона БОЙСАЙДОВА,
тадбиркор

Анча йилдан бери тадбиркорлик билан шу-ғулланаман. Илгари асосан, озиқ-овқат маҳсу-лотлари савдосини йўлга қўйгандик. Ишимиз анча яхши эди. Аммо қутилмаган фалокат ту-файли бир оғимдан айрилиб, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Энди шу ҳолимча қолиб кетсам керак деб ўйлагандим. Шўқри-ки, юртимиздаги ижобий ўзгаришлар сабаб яна ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига ай-ландим. Ижтимоий ҳўма миллий агентлиги ҳодимлари кўмағида протез қўйдирдим. Яна оёққа туриб, одамлар орасига қўшилганимдан

ўзимда йўқ мамнун эдим. Шундан сўнг янги йўналиш бўйича иш бошладим. Ногиронлиги бўлган шахслар тайёрлаган турли маҳсулот-лар, санъат асарлари, ҳўнармандчилик буюм-лари савдосини йўлга қўйдим.

Яққабог тумани марказида янги очилган экзобзордан менга алоҳида жой берилди. Барча қўлайликка эга, одам гавжум маскан. Бундан жуда қувондим. Юртимизда барчага қизиқиши, салоҳиятига қараб кенг имконият яратиб берилаётганига яна бир қанг ишонч ҳосил қилдим. Ушбу савдо маркази тумани-миз аҳли учун жуда катта қўлайлик бўлди.

Ҳозир имконияти чекланган 14 киши билан ҳамкорликни йўлга қўйганман. Уларнинг уйда ўтириб, даромад топишга ёрдамим тегапти. Қўл меҳнати билан тайёрлаган буюм-ларини олиб, дўконимда сотаман. Натижа-да улар ҳам, ўзим ҳам маблағ ишлаб топиш имконига эгамиз. Илгари ногиронлиги бўл-ганларга бундай имконият йўқ эди. Ҳозир мамлакатимиз том маънода ижтимоий давлат макомини мустаҳкамлаб боряпти.

Ушбу ўзгаришларни кўриб-кузатиб, ол-димга юксак мақсадларни режа қиляман. Тармоғимизни янада кенгайтириб, иложи бо-рича ўзим каби ногиронларни иш билан таъ-минлайман. Бунинг учун бизда шароит ҳам, шижоат ҳам етарлича топилади.

“ Ҳозир имконияти чекланган 14 киши билан ҳамкорликни йўлга қўйганман. Уларнинг уйда ўтириб, даромад топишга ёрдамим тегапти. Қўл меҳнати билан тайёрлаган буюмларини олиб, дўконимда сотаман. Натижада улар ҳам, ўзим ҳам маблағ ишлаб топиш имконига эгамиз.

ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ КЕЗМОҚДА

Тимур АБИДОВ,
инвестор



Қашқадарё ўзига хос гўзал ҳудуд. Та-биати, меҳмондўстлиги бошқа жойда тақ-ролланмайди. Воҳага ҳар сафар келганимда ўзгаришлар рўй бераётгани, янги ҳаёт на-фасини ҳис этиб, одамларнинг яшаш тарзи яхшиланганганига гувоҳ бўламман. Айниқса, чекка ҳудудларда ҳам тўлабйотиш ривож-лантиришга катта эътибор қаратилаётгани қувонарли. Бу юртда инсон қадри юксалиб бораётганидан далолат.

Илк бор Шаҳрисабз шаҳрида клиника очиш борасида ҳамкорлик тақдиф этила-нида мамнун бўлдим. Тез буни амалга оши-риш ҳаракатиға тушдим. Биламиз, бу жуда қадимий шаҳар. Буюк соҳибқиронга бешик бўлган манзил. Шундай шаҳар одамлари орасида юрак касалликлари бўлмаслиги керак. Бу ишни бошлаганимда нега айнан юрак касалликлари клиникаси очишга ин-вестиция жалб этаётганимга кўпчилик қи-зикди. Биласизми, бундан тўрт йил олдин ўзим инфарктни бошдан ўтказдим. Уни енгиш осон бўлмади. Юрак — инсон учун энг муҳим аъзо. Шу боис, бутун 10 миллион доллар инвестиция жалб этиб, мазкур ши-фохонани барпо этдик.

Президентимиз Қашқадарёга ташрифи чоғида клиника билан яқиндан танишди. Беморлар учун яратилган имкониятлар-ни юқори баҳолади. Сўҳбатимиз ниҳоятда

самимий ўтди. Шу жараёнда тақдифларини билдириб, янада қўлайлик яратиш учун қи-линиши лозим бўлган ишлар хусусида кўр-сатмалар берди. Қолаверса, мамлакатнинг 14 та ҳудудида ҳам худди шундай клиника барпо этиш борасида маъсулларга топиш-риқ берилган қувонарли воқеа бўлди. Де-мак, бошқа ҳудудларда ҳам юрак касаллик-ларини эрта аниқлаш имконияти яратилди.

Ҳозир шифо масканимизда 4 та жарроҳ-лик ва 6 та реанимация хонаси мавжуд. Бир вақтнинг ўзида 4 та ва кунига ўртача 25 та-гача юқори технологияли кардиожаъроҳлик амалиётини ўтказиш имкониятиға эгамиз. Россия, Туркия ва Қувватдан малакали ши-фокорлар келиб ишламоқда. Ўзбекистон-да тиббий жамият кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилади. Биз мана шундай гўзал диёрнинг меҳрибон одамлари сало-матини учун нафимиз тегишидан мамнун бўламиз.

“ Юрак — инсон учун энг муҳим аъзо. Шу боис, бүгун 10 миллион доллар инвестиция жалб этиб, мазкур шифохонани барпо этдик.

БЕЛНИ МАЊҚАМ БОГЛАБ ИШЛАЁТГАНЛАРГА САФДОШ БЎЛИШ САОДАТИ



Отабек ОЛИМЖОНОВ,
“Мираки” халқаро туризм маркази раҳбари

Қашқадарё табиятиға ўхшаш иқлим бошқа жойда учрамайди. Мисол учун, қай-сидир пайтда воҳада тўрт фаслни кузатиш мумкин. Атрофға қарасангиз, бир-биридан баланд, пуर्वикор қорли тоғларга кўзингиз тушади. Мамлакатимизнинг энг баланд чўққиси ҳам айнан шу туманда жойлашган. Шу боис, воҳанинг туризм салоҳиятиға юқори баҳо бериб келинади. Хусусан, Шаҳ-рисабз туманининг Мираки қишлоғи доим сайёҳларни жалб этиб келган.

Тарихга назар ташласак, қадимда ҳам бу ҳудуд ўзига хос сайёҳлик маскани бўл-ган. Мираки “Мир арка” сўзидан олинган

бўлиб, амирлар дам оладиган жой деган маънони англатган. Бүгун бу макон замона-вий қиёфаға эга бўлиб, сайёҳлар учун энг мақбул жойға айланди.

Муайян муддат шундай жойдан самар-ли фойдалана олмиди. Илгари бу ҳудудда меҳмонлар дам олиши учун етарли шароит бўлмаган. Хизмат кўрсатиш сифати яхши эмаслиги туфайли бу ерга бир келган киши қайта келмасди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бүгун йирик лойиҳа амалга оширилди. Бүгун “Мираки” халқаро туризм маркази сайёҳларни ўзига жалб этадиган жо-зибадор ҳудудға айланди. Лекин бу энг юксак маррани забт этдик дегани эмас. Фаолиятни кенгайтириш, янада қўлайликлар яратиш имконияти бор. Шундан келиб чиқиб, Пре-зидентимиз туристларни қабул қилиш учун бажарилган ишларға баҳо берди.

Бунёдкорлик ишлари сабаб ҳудуд ажо-йиб кўринишга келди. Қолаверса, янги иш ўринлари очилди. Одамлар уйдан олиста кетмай, оиласига даромад олиб қирапти. Қувонарлиси, лойиҳаларимиз тўлиқ ишга тушгач, 2000 га яқин киши иш билан таъ-минланади. Бу халқ фаровонлиги, мамлакат ободлигидир.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, ҳали Қашқадарёда қилинадиган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Ана шундай тарихий жараён-да белни маҳкам боғлаб ишга киришган ин-сонлар билан бир сафда эканимиз қалбимиз-да чексиз фаҳр уйғотади.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ, ДАРДИ ВА УМИДИ ТУРИБДИ

Одамларнинг турмуш даражаси ва даромадини ошириш мамлакатимиздаги ислохотларнинг асоси ҳисобланади. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойили асосида йилларки инсонларнинг кўнглидаги тугунлар ечилди, ҳаётий эҳтиёжларга ечим топилиди. Энг олис, чекка ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланди, ҳудудларга саноат кириб бориб, янги технологиялар асосидаги корхоналар сони кескин ошди. Натижада аҳолининг даромад топиши, муносиб иш билан таъминланиши, замонавий касб эгаллаши учун фақатгина шаҳар ё туман марказида эмас, балки олис қишлоқларда ҳам зарур шароитлар яратилди.

Бугунги нотинч ва замонавий таҳдидлар авж олган даврда мамлакатимиз иқтисодиёт-ининг барқарор ривожланишини таъмин-лаш энг устувор вазифалардан бириға айлан-ди. Хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, инвестициявий муҳитни ях-шилаш борасидаги ислохотлар натижасида тармоқлар бўйича кўрсаткичлар ўсиб бор-моқда.

Сўнгги саккиз йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот икки баробар кўпайиб, 115 миллиард долларға етди. Бу кўрсаткични 2030 йилга бориб, 200 миллиард долларға ет-казиш мақсад қилинган. Ўтган йили инвести-ция ҳажми 35 миллиард долларға, экспорт эса 27 миллиард долларға етган. Бунинг асосида оши-риш мақсадида халқаро ташкилотлар, молия институтлари, хорижий корпорациялар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, Ўзбекис-тон глобал савдо занжирларида муносиб ўр-нини эгаллашга интиломоқда.

Бизнесси қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни саноатлаштириш учун кичик тадбиркорлар-дан тортиб, йирик инвесторларгача берилаёт-ган имтиёз ва имкониятлар ҳам йилдан йилға ортиб борапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир ҳудудда юқори даромадли қўшимча иш ўри-ларни яратилиши, фақат хомашё эмас, балки қўшимча қийматға эга тайёр маҳсулотлар қў-пайишиға сабаб бўлмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Дунёнинг илғор тажрибаси асосида мутахассислар, малакали кадрлар авлоди шаклланди. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг саноат, ахборот технология-лари, хизмат кўрсатиш, туризм каби етакчи тармоқларидан тортиб, кичик ва ўрта бизнес, кооперация лойиҳаларигача ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаб, бугундан рози бўлиб яшаш ва эртанги кунга ишончини мустаҳ-камляпти. Бу жараёнда ишларни сифат жи-ҳатидан янги босқичға кўтариш эса бугун-нинг долзарб вазифаларидан.

Президентимиз раислигида шу йил 16 июнь кунин ислохотлар натижадорлиги, ҳу-дудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қўйнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтқа-зилган видеоселектор йиғилишида ҳам энг долзарб муаммолар бўйича чуқур таҳлил ва уларнинг ечимлари белгиланган аниқ режа-лар муҳокама қилинди. Энг муҳими, аҳоли ва бизнес билан мулоқотни янада кучайтириб, улар сўраётган масалаларни тезда ҳал қилиб бериш раҳбарларнинг асосий вазифаси бўли-ш зарурлиги таъкидланди.

— Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақди-ри, унинг дарди ва умиди турганини унутмас-лигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият, — деди давлатимиз раҳ-бари.

Йиғилишда вазирлик ва ҳокимликлар ишидаги муаммолар таҳлил этилди. Қайд этилганидек, ҳар бир тумандаги 40 дан ор-тиқ ташкилотда ўртача 500 ходим ишлайди. Уларнинг вилоятда идораси, бошлиғи бор. Лекин айрим олддаги масалаларни ҳал қилиш учун вилоятдан, улар эса республикадан рух-сат олиши керак. Ёки ваколати ва маблағи етарли бўлган ташкилотлар ўзини “назорат-чи” деб билиб, аҳолининг оғирини енгил қи-лиш билан шуғулланмаяпти.

Сув ва канализация хизматидан тушган маблағнинг 10 фоизи туманларда қоляпти. Лекин зарур материаллар тайёр турмагани учун 2-3 соатда ҳал бўладиган авариялар 4-5 кунга қўзиляпти. Қачон авария бўлса, кейин материал сотиб олинаяпти.

— Йиғилишда ташкилотимиз зимма-сига қатор вазифалар юкланди, — дейди Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўрин-босари Меҳриддин Абдуллаев. — Бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлади, унинг ваколатлари кенгай-тирилиши белгиланди. Эндиликда Ҳисоб палатаси қарорлар билан берилган маблағ-ларнинг фақатгина тўғри сарфланганини эмас, балки нима самара берганини, аҳоли бундан қанчалик рози бўлганини ҳам ўр-ғанади. Шу билан бирга, палата раиси ҳар бир қарор ижроси натижадорлигини таҳ-лил қилиб, заиф нуқталар ва ишламаётган тизимлар бўйича тақдирини ҳар ойда Пре-зидентга қиритади.

Шунингдек, Ҳисоб палатасига бир ой ичи-да Тошкент шаҳрида ўзини оқлаган “Халқ назорати” электрон портални бутун республикада ишга тушириш топириғини берилди. Ушбу портал орқали аҳоли қурилиш, ободон-лаштириш ва инфратузилма муаммоларини суратға олиб, аниқ манзилни кўрсатган ҳол-да мобил илова орқали юборади.

Масаланинг ечими ҳам фотосурат билан тасдиқланади. Уларнинг қанчалик тез ва си-фатли ҳал этилишига қараб ҳокимлар фао-лияти кунлик баҳолаб борилади. Бу тизим мурожаатларнинг ягона платформаси бўлади ва унга барча вазирлик, идора, ҳокимликлар уланади.

— Асосий эътибор жойлардаги ишлар натижадорлиги, самараси, аҳолини қўйнаёт-ган муаммолар ечимига қаратилди, — дей-ди “O‘zsuvta‘minot” АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Аҳмад Сувонкулов. — Қайд этилганидек, сув ва канализация хизматидан тушган маблағнинг 10 фоизи туманларда қоляпти. Лекин ишни ташкил этишдаги қамчиликлар туфайли муаммони бартараф этиш қўзиляпти. Бу жиҳат давлат-имиз раҳбарининг ҳақи эътирозига сабаб бўлди.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, ҳозир ер юзида қарийб 1,1 миллиард киши турли даражадаги сув танқислигидан азият чекмоқда. 2030 йилга бориб, мамлакатимиз-да ҳам сув танқислиги кузатилиши ҳамда бунинг оқибатида Ўзбекистон дунёдаги сув танқис бўлган 33 давлат қаторига тушиб қо-лиш эҳтимоли йўқ эмас. Албатта, бу жиҳат хавотирли ва ҳар бир инсонни ўйлантириши керак. Шундай экан, сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Мамлакатимизда бу борадаги ишларни янги босқичға кўтариш, сув сарфи ҳисобини тартибға солиш, йўқотишлар даражасини ка-майитириш, мавжуд тармоқларнинг рақамли харитаси ва активларини жорий этиш ҳамда соҳада “яшил иқтисодиёт” кўламини кенгай-тириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2025 йил январь ойи ҳолатига кўра, Ўзе-бекистон аҳолисининг 81 фоизи марказлашган ичимлик сув билан таъминланган. Сўнгги олти йилда ичимлик сув таъминотини яхши-лашга 10 триллион сўмға яқин маблағ сарф-ланди. Ушбу маблағ ҳисобидан 1176 та сув иншооти, 20,8 минг километр ичимлик сув тармоғи тортилди.


“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида сувдан оқилона фойдаланиш маданияти ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш борасида қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, сув тежовчи технологияларни ишлаб қўйарувчи маҳаллий корхоналар-нинг йиллик қувватини 300 минг гектарға етказиш, барча ичимлик сув истеъмолчи-ларига ҳисоблагичлар ўрнатилиши таъмин-лаш, ичимлик сув билан таъминланган-лик даражаси, сифати, сув таъминоти ва канализация корхоналари самарадорлик кўрсаткичларини жорий этиш масалалари шулар ҳўмласидан.

Бу йилға мўлжалланган давлат дастури-да ҳам бу вазифалар ўз аксини топди. 2025 йилда сарфланаётган сув ҳисоби ва ҳисо-боти тўлиқ юритилишини таъминлаш мақ-садида магистрал каналлар ва муҳим сув объектиларида сувнинг ягона онлайн ҳисо-бини юритиш тизими жорий этилиши, 1,8 минг километр ичимлик ва оқова сув тармо-ғи тортилиши, 77 та ичимлик ва оқова сув иншооти қурилиши ҳамда реконструкция қилиниши белгиланган.

Энг муҳими, ичимлик сув тизимида маъ-нан эскирган 746 та насос ускунаси энергия-тежамкорларига алмаштирилди, ҳудудларда 65,2 мегаватт қувватға эга қўёв панеллари ўрнатилди. Сув иншоотлари ва магистрал сув тармоқларига 955 та замонавий сув ҳис-облагич ўрнатилди ва барча ичимлик сув таъминоти корхоналарида сифат мониторинг-ини юритиш ва маълумотларни бошқариш марказлари яратилди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ичимлик сув таъминоти билан шуғулланадиган ташкилотлар мавжуд. Рес-публика бюджети, халқаро молия ташкилот-ларида олиб берилаётган махсус техника воситаларини жойларға етказиш ва буни на-зорати қилиш борасида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Эндиликда Сурхондарё вилояти ва 16 ша-ҳар ва туманда соҳа мутаассадилари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар



Халқаро форум олдидан



2025 йил 21 июнь, 126-сон

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА САМАРҚАНД МУЛОҚОТИ

СОҲА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ВОҚЕЛИККА АЙЛанаДИ

Асрор МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш
агентлиги директори ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Жадаллашиш, тезлашмоқ зарур

Форумнинг бош мавзуси алоҳида эътиборга молик. Самарқанддаги тадбир “2030 йилга қадар беш йил: барқарор келажақ учун хизмат кўрсатиш жараёнларини жадаллаштириш” деб номланган. Мавзу ўзига хос қақирқ, ундов мазмунига эга: “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш муддатлари поёнига етиб бормоқда, шунинг учун соҳадаги ислохотларни тезлаштириш зарур!”.

2015 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини 2030 йилгача амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур глобал дастур “**Барқарор ривожланиш кун тартиби — 2030**” номли ҳужжатда акс эттирилган ва 17 мақсадни ўз ичига олади. Бу мақсадлар жаҳон миқёсида **инсонлар ҳаётини яхшилаш, сайёрамизни муҳофаза қилиш ва барча учун фаровонлиқни таъминлашга** қаратилган билан аҳамиятли.

Шу ўринда Президентимизнинг БРМга эришишни жадаллаштириш билан боғлиқ халқаро ташаббусларни ёдга олмоқ ўринли. 2022 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессиясида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги резолюция маъқулланди. Бу ҳужжат лойиҳаси БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган эди. Унда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштириш — мақсад, бу жараёнда қонунчилик органларидан фойдаланиш — восита сифатида қўбатилган эди. 80 дан ортиқ мамлакат тасдиқ ва тавсиялари билан бўйиштирилган резолюция бир овоздан қабул қилинди — Президентимизнинг ташаббуси юксак халқаро эътирофга сазовор бўлди.

Глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган бундай муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат БРМга эришиш йўлидаги салмоқли қадам бўлди. Давлатимиз раҳбарининг жаҳон ҳам-жамиятини бу мақсадларга эришиш йўлида тезлашишга ундаши, кўзланган марраларга етиш учун жадаллаштишга қоралиш Самарқанд форуми мавзусига белгиланган таъсир кўрсатгандир эҳтимол.

Барқарор ривожланиш
мақсадлари ва “Ўзбекистон —
2030” стратегияси: умумийлик,
уйғунлик, устуворлик

БМТнинг 2030 йилгача глобал кун тартиби барқарор ривожланишнинг **учта устуви — иқтисодий, ижтимоий ва экологик мувозанатни** таъминлашга хизмат қилади. БРМ глобаллашётган дунёда юзага келётган муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан, **ҳар бир мақсад бир қанча вазифа ва кўрсаткич орқали ифодаланган**, ҳар бир давлат эса уни ўз хусусиятларига мослаштирган. Бундан мақсад давлатлар тараққиётини белгиллаб берувчи ҳужжатлар воситасида миллий барқарор ривожланиш мақсадлари рўйбига эришишдир. Шунинг учун ҳам турли давлатларнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бир-бири билан ҳамбарас ҳолиқ, бир-бирини тўлдирди ва мустаҳкамланди.


Табийки, Ўзбекистонда ҳам БРМ миллий сиёсатга интеграция қилинди. Ўзбекистон БМТ саммитида эълон қилинган БРМнинг миллий даражада бажарилиши бўйича шартларини қабул қилди. Шунга кўра, 2018 ва 2022 йилларда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Бундан ташқари, миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг амалга оширилишини назорат қилувчи тузилма ташкил этилди, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки учун имкониятлар яратилди, миллий мақсадларни рўйбига чиқаришга йўналтирилган бюджетлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Энг муҳими, жамиятда барқарор ривожланиш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Глобал ва миллий барқарор ривожланиш мақсадлари ўртасида ўшашлик мавжуд. Бу умумийлик, энг аввало, “Инсон қадри” ғоясининг ўзак ғоя эканида намоён бўлади. Чиндан

ҳам, БРМнинг тағзаминини инсон қадри ва унинг ҳуқуқларини таъминлаш ғояси ташкил этади. Янги Ўзбекистонда ҳам “Инсон қадри ҳамма нарсадан устуи” таъминий ривожланиш парадигмаси сифатида белгиллаб берилган. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги барча ислохотлар пировардида инсон қадри, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Турган гапки, юртимизда кечаётган ислохотлар фалсафасининг “Инсон қадри” ғоясига асосланиши барқарор ривожланиш мақсадларига эришишимизни осонлаштиради ва тезлатади.

БМТнинг 2030 йилгача глобал кун тартиби мамлакатимизнинг стратегик ҳужжатларида ҳам акс эттирилди. Барча стратегик тараққиёт дастурларида БРМга эришишга йўналтирилган миллий мақсад ва вазифалар қамраб олинган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам “Глобал кун тартиби — 2030”га уйғун эканини кўриш мумкин. Ўз навбатида, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад-вазифалар барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун ўзига хос “йўл харитаси” вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатимизда барқарор ривожланишнинг миллий мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Табиийки, миллий мақсадларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон барқарор ривожланишнинг глобал мақсадлари рўйбига хизмат қилмоқда, умумий мақсадга ҳисса қўшмоқда. Кўриниб турибдики, глобал ва миллий мақсадлар бўлинмас, ўзаро боғлиқ ҳамда



бир-бирини тўлдириб туради. Энг асосийси, “Глобал кун тартиби — 2030”даги мақсадли кўрсаткичларга эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланган.

Аслида, БРМга эришишда давлат хизмати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Биринчидан, давлат хизматчилари БРМга мос келадиган стратегик йўналишларини белгиллаш, дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

Иккинчидан, БРМга эришиш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш ҳам уларнинг зиммасига юклатилади.

Учинчидан, давлат хизматчилари БРМнинг амалга ошишини таъминловчи бошқарув тизимларини яратди ва уларни мувофиқлаштиришга жавобгар бўлади.

Тўртинчидан, барқарор ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджети маблағлари ва инвестицияларни жалб қилишда давлат хизматчилари бевосита иштирок этади.

Бешинчидан, барқарор ривожланишнинг миллий мақсадларига эришиш ҳолатини кузатиш ва таҳлил қилиш учун давлат органлари маълумот тўплайди, улар асосида самарадорлик баҳоланади.

Олтинчидан, БРМни рўйбига чиқаришга кенг жамоатчиликни жалб этиш жараёни давлат хизмати тизими орқали амалга оширилади. Кўриниб турибдики, БРМга эришишда давлат хизмати ўзига хос локомитив вазифасини ўтайди, стратегик режалаштиришдан тортиб, то ижро ва назоратгача бўлган барча жараёнларда фаол иштирок этиб, давлат ва жамият ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Демак, самарали ва шаффоф давлат хизмати барқарор ривожланишга эришишнинг асосий шартларидан биридир.



БМТ Давлат хизмати форуми давлат хизматини самарали ташкил этиш, соҳага инновацияларни жорий этиш ва БРМга эришиш йўлида давлатлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти вакилларини бирлаштирадиган йирик халқаро тадбирдир. Форумнинг асосий мақсади давлат хизмати тизимини ҳам институционал нуқтаи назардан, ҳам инсон ресурслари воситасида, ҳам технология жихатдан мустаҳкамлашдир.

“

Ишончим комилки, БМТнинг Самарқандда ўтказиладиган Давлат хизмати форуми катта самара беради — соҳадаги ислохотларнинг муҳим драйверига айланади, жадал ва тизимли ўзгаришларга туртки бўлади ҳамда башариётнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Халқаро тадбир илк бор 2003 йилда Нью-Йоркда ташкил этилган. Шундан сўнг ҳар йили турли давлатларда ўтказилган. 2025 йилда форумни ўтказиш учун Ўзбекистон танланган. Нима учун айнан Ўзбекистон? Фикримизча, бунинг бир қатор сабаблари бор.

Нима учун Ўзбекистон танланди?

Аввало, мамлакатимизда ҳозирги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тизимли ва манзилли ислохотлар кечмоқда. Айниқса, давлат бошқарувини модернизациялаш, давлат хизмати трансформацияси масаласи БРМга эришишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Шу ўринда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида давлат фуқаролик хизмати мериократия, ҳалоллик ва профессионаллик тамойиллари асосида ташкил этиш масаласи алоҳида мақсад сифатида белгиланганини таъкидлаш жоиз. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда давлат хизмати тизимидаги ўзгаришларга устувор даражада аҳамият берилди. Инсонни қадрлаш, одамларни рози қилиш, халққа хизмат қилиш давлат хизматчиларининг фаолият мезонларига айланган. Соҳадаги ўзгаришлар натижасида давлат билан жамият ўртасидаги жарлик йўқолди, фуқаро бошқарув пирамидасининг чўққисидан ўрин олди, давлат хизматида самарадорлик муҳим аҳамият касб этди.

Хуллас, давлат фуқарога юзланди, халқнинг дардини тинглаб, муаммоларига ечим излай бошлади. Шу мақсадда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсати-

лиши йўлга қўйилди. Аввал “фуқаро-давлат” мулоқотида вертикал муносабатлар устуворлик қилган бўлса, эндиликда бу мулоқотда очқилиқ, шаффофлик ва халқчилик тамойиллари амал қила бошлади. Айни пайтда фуқароларнинг давлат идораларига виртуал мурожаат қилиш ва рақамли хизматлардан фойдаланиш кўникмалари қаррабига ортди.

Кейинги қадам сифатида соҳада институционал ўзгариш амалга оширилди — 2019 йилда Давлат хизмати ривожлантириш агентлигига асос солинди. Агентлик кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш вазифасига масъул орган сифатида Ўзбекистон Президенти ҳузурида фаолият юритиши белгиланди. 2022 йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига юклатилган вазифалар тўлақонли бажарилишида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Агентлиكنинг бутун фаолияти меритократия ғояси асосида қурилди. Яъни Ўзбекистонда лавозим эгаллашда таниш-билишлар, совға-саломлар эмас, номзоднинг билими, малакаси, иқтидори, иш самардорлиги бирламчи роль ўйнайдиган бўлди.

Давлат хизматига илк бор 1 йилга контракт асосида қабул қилиш ва келгуси фаолиятининг ижобий натижаларига кўра, унинг муддатини узайтириш, илк бор қабул қилинганларни дастлаб мажбурий қайта тайёрлаш курсларида, кейинчалик ҳар 3 йилда малакасини ошириш, давлат хизматчиларининг зарур билим ва касбий кўникмаларини диагностикадан ўтказиб бориш белгиланди. Раҳбарликка иқтидорли кадрларни (давлат хизматчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар ва ватандошлар) танлов асосида жалб этишга қаратилган “ТОП-100” дастури жорий этилиб, танлов ғойиблари Миллий кадрлар захирасига киритилади, улар Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида ўқитилиши, тажрибали раҳбарларга бириктирилиши, хорижга стажировкага юборилиши ҳамда моддий рағбатлантирилиши кўзда тутилмоқда.

Хужжат билан жорий этилаётган янгилклардан бири — бу давлат органлари фаолиятининг миллий рейтингини. У кадрлар билан ишлаш, мурожаатлар, рақамлаштириш, раҳбарлар фаолияти самарадорлиги (KPI), стратегик мақсадларга эришганлиги, очқилиқ, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа муҳим кўрсаткичлар асосида шакллантирилади. Рейтинг натижаларига қараб қуйи поғонадаги давлат идораларининг иш усуллари ўзгаририлиди, бошқарув жараёнлари БРР-реинжининг қилинади, раҳбарлар фаолиятига баҳо берилади.

Форумнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, давлат хизматчиларининг давлат ишдаги кўп йиллик тажрибасини рағбатлантириш учун малака даражаларини бериш тартиби белгиланганида. Унга кўра, ҳар бир малака даражасини олиши учун давлат хизматчиси муайян лавозимда 2-4 йил ишлаши, малака оширганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлиши ва иш фаолияти ижобий тавсифланиши талаб этилади.

Умуман олганда, ўтган давр ичида давлат хизматида туб ўзгаришлар юз берди. Тизимда халқчилик устувор тамойилга айланди, танлов меритократияга асосланди, инсон ресурслари мақсадли ривожлантирилди, илгор хорижий тажриба ўзлаштирилди, самарадорлик ўлчанадиган бўлди, замонавий ёндашувлар жорий этилди, соҳа рақамлаштирилди.

хизматчиларининг шахсий ва профессионал диагностикасини амалга ошираётган ушбу марказда ассессмент (комплекс баҳолаш жараёни)дан ўтган ҳар бир номзоднинг портфолиоси яратилиб, профессионал ривожланиш траекторияси белгиланади, шахсий ривожланиш режаси ишлаб чиқилади, “ўсиш нуқталари” кўрсатилиб, кучли жиҳатларини ривожлантириш юзасидан тавсиялар берилади.

Давлат хизматчиларини баҳолаш жараёни шулар билан чекланмайди. Ҳозирги кунда кадрлар салоҳиятини энг муҳим фаолият кўрсаткичлари (KPI — Key Performance Indicators) асосида баҳолаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан 2024 йилда миллий рейтинг тизими жорий этилди. Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини электрон баҳолаш платформаси — samaradoflik.uz ишга туширилди. Натижада давлат хизматчиларининг қандай ишлаётгани “яхши-ёмон” тарзида эмас, аниқ рақамлар воситасида ўлчанадиган бўлди.

Эндиликда давлат хизматчиси вақт ўтказиш эмас, аниқ натижа учун ишлайди, унинг фаолияти ташкилот ривожига қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда баҳоланади. Бундай ёндашув давлат хизматчиларининг иш сифати, фаолият самарадорлигига тўғридан тўғри таъсир кўрсата бошлади.

Давлат хизматида кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими жорий этилади

Нуфузли тадбир арафасида Президентимиз “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзолади.

Фармон билан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ҳамда “Эл-юрт умиди” жамағатасининг доимий ҳамкорлигига асосланган давлат хизматида кадрлар тайёрлашнинг **яхлит тизими жорий этилиши белгиланди**. Унга кўра, агентлик бюрутмасига асосан, давлат хизматчиларининг хориждаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда илмий-таълим муассасаларида амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган **мақсадли стажировкаси ташкил этилади**. “Эл-юрт умиди” жамағатаси стипендиатларнинг **горизонтал ва вертикал карьеравий ўсиши бўйича зарур чоралар қўрилади**.

Давлат хизматига илк бор 1 йилга контракт асосида қабул қилиш ва келгуси фаолиятининг ижобий натижаларига кўра, унинг муддатини узайтириш, илк бор қабул қилинганларни дастлаб мажбурий қайта тайёрлаш курсларида, кейинчалик ҳар 3 йилда малакасини ошириш, давлат хизматчиларининг зарур билим ва касбий кўникмаларини диагностикадан ўтказиб бориш белгиланди. Раҳбарликка иқтидорли кадрларни (давлат хизматчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар ва ватандошлар) танлов асосида жалб этишга қаратилган “ТОП-100” дастури жорий этилиб, танлов ғойиблари Миллий кадрлар захирасига киритилади, улар Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида ўқитилиши, тажрибали раҳбарларга бириктирилиши, хорижга стажировкага юборилиши ҳамда моддий рағбатлантирилиши кўзда тутилмоқда.

Хужжат билан жорий этилаётган янгилклардан бири — бу давлат органлари фаолиятининг миллий рейтингини. У кадрлар билан ишлаш, мурожаатлар, рақамлаштириш, раҳбарлар фаолияти самарадорлиги (KPI), стратегик мақсадларга эришганлиги, очқилиқ, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа муҳим кўрсаткичлар асосида шакллантирилади. Рейтинг натижаларига қараб қуйи поғонадаги давлат идораларининг иш усуллари ўзгаририлиди, бошқарув жараёнлари БРР-реинжининг қилинади, раҳбарлар фаолиятига баҳо берилади.

Форумнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, давлат хизматчиларининг давлат ишдаги кўп йиллик тажрибасини рағбатлантириш учун малака даражаларини бериш тартиби белгиланганида. Унга кўра, ҳар бир малака даражасини олиши учун давлат хизматчиси муайян лавозимда 2-4 йил ишлаши, малака оширганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлиши ва иш фаолияти ижобий тавсифланиши талаб этилади.

Умуман олганда, ўтган давр ичида давлат хизматида туб ўзгаришлар юз берди. Тизимда халқчилик устувор тамойилга айланди, танлов меритократияга асосланди, инсон ресурслари мақсадли ривожлантирилди, илгор хорижий тажриба ўзлаштирилди, самарадорлик ўлчанадиган бўлди, замонавий ёндашувлар жорий этилди, соҳа рақамлаштирилди.

Форум кун тартиби

Форумнинг ҳар бир куниди муайян муаммага устуворлик берилади. Жумладан, дастлабки кунда рақамли трансформацияга ургу берилса, келаси кун соҳадаги ислохотларни тезлатиш имкониятларига бағишланади, охири кунда эса инновацияларни жадаллаштириш мавзуси кўтарилади.

Турган гапки, форум минбарларида давлат хизматида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилинади. Чунки рақамли трансформация давлат хизматида сунъий интеллектдан фойдаланишни тақозо этади. Айни пайтда сунъий интеллектдан фойдаланиш давлат хизматчилари учун кенг имкониятлар очishi баробарида муайян хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқаради.

Жумладан, давлат хизматида сунъий интеллектни қўллаш фаолият **самарадорлиги ва тежорлиқни кучайтиради**. Масалан, доимий тақорланадиган вазифалар автоматлашади, мурожаатларга тезкор жавоб бериш имкони пайдо бўлади, кадрларни муайян алгоритмлар асосида холисона баҳолаш ва танлаш учун шароит яратилади.

Бундан ташқари, **сунъий интеллект катта маълумотлар (минглаб фуқароларнинг мурожаатлари)ни тезда таҳлил қилиш ва тенденцияларни аниқлаш имконини беради**. Шунингдек, чат-ботлар орқали фуқаро билан интерактив алоқа ўрнатилиш ва 24/7 хизмат кўрсатиш мумкин бўлади. Умуман, виртуал ёрдамчилар туфайли **харажатлар ҳамда қарб сарфи камаяди, бюджетни тежаш имкони пайдо бўлади**.

Афсуски, бу чора муайян салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Автоматлаштириш натижасида айрим вазифалар инсон иштирокисиз бажарилади, бу эса иш ўринлари қисқаришига олиб келиши мумкин. Сунъий интеллект катта ҳамжамдаги шахсий маълумотларни қайта ишлаши мумкин, аммо бу маълумотларнинг ноқонуний тарқалиши ёки сунъий интеллект қилиниши хавфи ҳам юқори. Боз устига, сунъий интеллект тизимларини яратиш, жорий этиш ва хизмат кўрсатиш юқори харажатларни талаб қилади.

Ўз-ўзидан аёнлашадики, сунъий интеллект давлат хизмати учун катта имкониятлар эшигини очди. Лекин уни самарали ва хавфсиз жорий этиш учун бу йўналишда қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини яратиш талаб этилади.

Форумда муҳокама қилинадиган масалалардан яна бири давлат секторига инновацияларни жорий қилиш ва фикрлашни ўзгариштириш билан боғлиқ. Бу масала долзарблигининг бир қанча сабаблари бор. Аввало, янги-янги қақирқлар билан тўқнашаётган давлат хизматида муаммоларни аниқлаш ёндашувлар билан ҳал қилиш тобора самарасиз бўлиб бормоқда. Шунинг учун янгича фикрлаш давлат хизматчилари учун зарур кўникмалардан бирига айланди. Тадбирда “Давлат бошқарувида инновациялар лабораторияларни жорий этиш амалиёти” мавзусининг муҳокама қилиниши ҳам бежиз эмас.

Ечими изланадиган яна бир муаммо **инклюзив давлат хизматларини ривожлантириш** билан боғлиқ. Бунда барча фуқаролар, айниқса, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож қатламлар учун давлат хизматларидан тенг ва адолатли фойдаланиш имкониятини яратишга ургу берилади.

Хулоса

Албатта, ҳеч бир тадбир исиз қолиб қетмайди. У бирор натижа беради, муайян оқибатларни келтириб чиқаради. БМТнинг Самарқандда ўтказиладиган Давлат хизмати форуми ҳам шундай тадбирлар сирасига киради. Форум дунёнинг етук экспертларига давлат хизматини ривожлантириш юзасидан мулоқот қилиш учун ноё имконият яратди. Тадбирда истисносиз барча учун муҳим давлат хизматларидан фойдаланишни таъминлаш стратегиялари муҳокама қилинади ва рақамли бошқарувнинг муваффақиятли моделлари намойиш этилади.

Бу оддий мулоқот эмас, **дунёда давлат хизматлари кўрсатиш келажагини белгиллаб берувчи воқелик** бўлади. Дастурга мувофиқ, форумда **Самарқанд декларацияси** имзоланади. Хужжатда давлат хизмати тизимидаги ислохотлар суръати ва сифатига белгиланган таъсир кўрсатадиган ташаббуслар акс эттирилади. Табиийки, бу соҳадаги трансформация жараёнларини тезлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайитириш, ресурсларни тежаш ва охир-оқибат фуқароларнинг давлатга ишончи орттиришга хизмат қилади.

Ишончим комилки, БМТнинг Самарқандда ўтказиладиган Давлат хизмати форуми катта самара беради — соҳадаги ислохотларнинг муҳим драйверига айланади, жадал ва тизимли ўзгаришларга туртки бўлади ҳамда башариётнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

ПАРКЕНТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

“**ТУРИЗМ АВВАЛДАН ПАРКЕНТНИНГ ДРАЙВЕР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БЎЛГАН. ЭНДИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ОРҚАЛИ КЕЛАДИГАН ДАРОМАД БИР НЕЧА БАРОБАР ОРТАДИ. ЮҚОРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ҚУРИЛИШИ ШУ ТАРЗДА ДАВОМ ЭТСА, ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ПАРКЕНТ ТУМАНИНИ ТАНИБ БЎЛМАЙДИ, ЎЗИГА ХОС ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ШАҲАРЧАСИГА АЙЛАНАДИ.**”



Президент ташрифидан сўнг

Бошланиши 1-бетда

Туман марказидан оқиб ўтувчи Паркентсойнинг икки томони илгари қуруқ ер бўлган. Узани қаровсизлик сабаб йиллар давомида кенгайиб кетган, сўлим манзилга келиб-кетувчи меҳмонлар учун ноқулайлик туғдирган. Бугун ана шу сой бутунлай таъмирланиб, бетонлаштирилди. Яқинда унинг устида янги кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қирғоғида эса кўз қири илгасмас кенликда “Паркентсой” турар жой массиви қад ростлаяпти.

Янги асфальтланган, кенг, текис йўл бўйлаб машинада манзил томон юриб бордик. Аввал бу йўл бўлмаган, одамлар сой устидаги эски кўприкдан ўтиб, қум, чанг ердан манзилга қатнаган. Энди эса янги кўприк ва янги йўлдан фойдалана бошлашди. Туман маркази бўлгани боис, бу ердан ўтувчилар, қатновчилар кўпчилигини кузатдим.

Хуллас, сой қирғоғи бўйлаб қатор тушган кўп қаватли уйларга етиб бордик. Энди бу ер “Паркентсой” турар жой массиви деб аталади. У

тумандаги илк экошаҳарлардан бири. Боиси, уйлар тўлиқ энергия-тежамкор технологиялар билан таъминланади. Массивнинг умумий майдони 6 гектар бўлиб, жами 5200 хонадонли 125 та кўп қаватли уй қуриш белгиланган. Янги хонадонларнинг 23 таси қуриб битказилиб, 15 таси фойдаланишга топширишга тайёр ҳолатда.

Жорий йил 18 июнь кuni давлатимиз раҳбарининг Паркент туманига ташрифини ҳаяжон билан кузатдик. Президентимиз туманда янги лойиҳаларнинг бориши, қолаверса, аҳоли ҳаёти, ҳудудларнинг иқтисодий ривожини билан танишди. Янги хонадонларда бўлиб, шароитларни кўздан кечирди. Паркентлик фаоллар билан суҳбатлашди.

Тумандаги катта бунёдкорлик ишлари бизга ҳам қизиқ. Аҳолини қувонтираётган бу ободлик бир томон бўлса, давлатимиз раҳбарининг ташрифи, хонадонларга кираши уларни янада тўлқинлантирди. Одамлар билан суҳбатлашиб буни аниқлаш қийин эмас. Нуронийлар туман ривожини учун яратилаётган имкониятлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Ўзим Паркент фарзандиман. 30 йилдан зиёд бўлди, қурилиш соҳасида ишлаб келаман. Шунинг учунми, аввалги қурилишлар билан ҳозиргисини ўзимча солиштираман. Олдинлари бир объектни қуриб битказиш йилларга чўзиларди. Маблағ етишмаслиги ва бошқа сабаблар билан бошланган иш яқунланмай тураверган. Ҳозир одамларнинг ўзи ҳам кўрапти, турар жой, йўл, кўприк ёки бошқа исталган объект қурилиши бошланса, қисқа вақтда фойдаланишга топшириляпти. Бўлар экан-ку! Режа, вазифа, маблағ аниқ белгиланса, қурилишда ана шундай самарадорлик ҳам, сифат ҳам юқори бўлади.

Давлатимиз раҳбари топшириғи билан Паркентда бир йил ичида ўнга яқин лойиҳа бериладиган бошлаб юборилди. Тасаввур қилсангиз, булар кичик қурилишлар эмас, бари катта маблағ талаб қиладиган, йирик лойиҳа-

Ҳусниддин МУҲИТДИНОВ,
меҳнат фахрийси:



лар. Масалан, Паркентсойни тартибга келтириш, қирғоқларини мустаҳкамлашнинг ўзи жуда катта иш. Бу сой болалигимиздан бери бор. Узани тор эди, қаровсиз ётгани сабаб кенгайиб, 200-300 метрга чўзилиб кетди. Ҳозир ана шу сой, чиройли ҳолатга келтирилди. Биринчи босқичда сойнинг 4 километр қисми тўлиқ бетонлаштирилди. Сой бўйлаб

қарийб беш километрни янги йўл қурилди. Бу йўл ҳозир туман марказидан ўтган асосий кўчага ёндош бўлиб, бир кеча-кундузда 10 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга. Иккинчи босқичда сойнинг Кумушкон қишлоғига бўлган ўзани тартибга келтирилади. Очиладиган 100 гектар ерда туризм объектлари қуриш режалаштирилган.

Айни пайтда давом этаётган лойиҳалар орасида ҳам қатор дам олиш масканлари бор. Кумушкон, Сўқоқ, Сангсарақ қишлоқларида туризм объекти қуриш бошланган. Бундай масканлар Паркент туманига келадиган сайёҳлар сонини оширади. Туманнинг янада ривожланиши, аҳолининг иш билан таъминланиб, фаровон яшашига хизмат қилади. Чунки ҳудудга келётган ҳар бир сайёҳ маблағ олиб келади. Яъни туризм аввалдан Паркентнинг драйвер йўналишларидан бўлган. Энди дам олиш масканлари ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш орқали келадиган даромад бир неча баробар ортади. Юқоридаги лойиҳалар қурилиши шу тарзда давом этса, яқин йилларда Паркент туманини таниб бўлмайди, ўзига хос замонавий туризм шаҳарчасига айланади.



Олим ЮСУПОВ,
“Сайёҳ — 2000” оилавий
меҳмон уйи раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари билан суҳбатлашиб, тўғри йўлда кетаётганимизни ҳис қилдим. Тадбиркор бирор иш бошлаши мумкин, аммо унинг ривожланиб бориши учун қўллаб-қувватлов керак. Президентимиз бизга ана шу имконият ва шароитларни яратиб берапти. Ўйибордан янада ривожланишга куч пайдо бўлди, ортимда Давлат раҳбари турганини ҳис қилдим. Барчаси учун уларга раҳмат айтишни истаб, ҳеч айтолмадим. Охири, ташқарига чиққанда айтдим.

Учрашувдан кейин туни билан янги режалар тузиб чиқдим. Тоғ туризмни ривожлантиришни мақсад қилганман. Кумушконнинг



табiiй салоҳиятидан оқилона фойдаланишимиз керак. Хорижликларда тоққа чиқишга қизиқиш катта эканини кузатаман. Бунинг пийёда, отда, автомобилда ҳаракатланиш каби бир қанча йўналишларини ташкил қилиш ҳақида ўйлапман.

Кейинги йилларда аҳолимиз туризмнинг энг даромадли йўналишлардан бири эканини тушуниб етди. Тўғри, бизда олдиндан сайёҳлар учун турли хизматлар ташкил қилинган, аммо бу тор доирада бўлган. Ўзимиз ҳам оилавий меҳмон уйини 2002 йилда очганимиз. Бошланишига 16 ўринли кичик коттеж ишлаган. Яъни кўпчилик буни кичик ҳажмда ташкил қилиб, иш юритиб келган.

2018 йилдан кейин юртимизда туризмга эътибор қучайди. Маҳаллий ҳокимлик вакиллари бизни қачириб, ишни ривожлантириш учун қандай ёрдам кераклигини сўради. Ишлайман деган одам бу имкониятлардан, албатта, фойдаланади. Ҳисоблаб кўрсам, охири етти йилда банкдан 3 марта йирик миқдорда кредит олибман. Шу маблаглар ҳисобидан меҳмон уйидаги ўринлар сонини 48 тага етказдик, сайёҳлар учун янги хизматлар жорий қилдик.

Тадбиркор учун эркин ишлашга шароит бўлса, у ривожланаверади. Авваллари қийинчиликлар бўларди, текширувларнинг кети узилмасди. Мана, 2018 йилдан кейин ҳали бирор марта текшириш келмади хонадонимизга. Тадбиркорнинг фаолиятига ҳалал берадиган органлар йўқ, аксинча, ёрдам бераётган давлат ташкилотлари бор. Солиқларини вақтида тўлаб, ҳалол ишлаган бизнес эгасига биров ҳалал бермайди. Тадбиркорлик учун имкониятлар ҳам кўп, одамлар шулардан фойдаланяпти. Кумушконда меҳмон уйлари саноклигига бўларди. Ҳозир ўйлаб шундай уйлар бор.

Меҳмон уйимизда асосан, оилавий ишлаймиз. Мавсумда қўшимча 3-4 кишини иш билан таъминлаяпмиз. Қишлоғимизда яна бир катта лойиҳани бошлаганимиз. Кумушкондаги тоғнинг юқори қисмида қиймати 12 миллиард сўмлик лойиҳа амалга ошириляпти. Куз ойларига 72 ўринли 6 та икки қаватли, 9 та кичик коттежни ишга туширишни режалаштирганмиз. Лойиҳанинг биринчи босқичида 25 киши, кейинроқ 50 киши иш билан таъминланади.

ПАРКЕНТГА ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ БОРАДИ

Қоқ туш пайти. “Паркентсой” мас-сивининг қатор қурилган кўп қаватли уйлари бўйлаб юриб боряпмиз. Оёғимиз остидаги асфальт кўёшда қизиб турибди. Офтоб ҳам тикка кўтарилган. Шу вақтда пойтахтда 40 даражага яқин иссиқ бўлса керак. Аммо бизга иссиқ ўнчалик билин-маяпти. Паркентнинг салқин шабадаси баҳор ҳавосидек майин. Шундоққина кўриниб турган тоғларга қараб сокинликдан ҳузур қиларкансан, беихтиёр тинч юртда, бунёдкорликлар ичида яшаётганингга шўқ қиласан киши.

Авваллари Паркент деганда узумзор-лар, одамлари боғдорчилик билан шуғул-ланадиган, бозорларни сархил мевалар билан тўлдириб берадиган ҳудуд кўз ол-димизга келарди. Бугун бу манзилнинг инфра-тузилмаси, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, ёл муҳими, одамлар ҳаёт тар-зи, кайфияти ўзгарган. Туризм ортидан тадбиркорлик ривожланяпти. Замонавий боғлар, мевани қайта ишлаш корхонала-ри пайдо бўляпти. Туб аҳоли ҳудуддаги жадал ўзгаришлар билан бирга яшаяпти, ривожланыпти.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор:



— Паркентнинг меҳнаткаш халқи азалдан қадок қўлига, кетмонига, ўроғига, тоққайчи-сига суяниб, ҳар битта ниҳол билан тилиша-олган ва ризқ-насибасини она ердан топган. Тайёр сув бўлса, боғлар барпо этиш нисбатан осон. Аммо туманда узоқ йиллар давомида сув чиқмайдиган, лалми ерларда галла экилган, узумзорлар ташкил қилинган, дунёга долгит кетган, мазали таъмин тилини ёрадиган мевалар еттиштирилган. Бу ердан буюк олимлар, ижод-корлар ҳам чиққан. Бугун уларнинг издошлари сифатида билимли, иқтидорли ёшлар камол топяпти. Туманинг ҳозирги қиёфаси унинг гўзал табиятига хос тарзда янада тараққий этаптики, Паркент фарзанди, бир ижодкор сифатида кўнглим тоғдек кўтарилади.

Биргина қуриб битказилган янги кўпри-кини олайлик. Аввал шу ер энг тирбанд жой эди, атрофида одамлар юролмасди. Ҳо-зир узунлиги 56 метри замонавий кўприк фойдаланишга топширилган. Паркентсой атрофидаги бунёдкорлик ишларини қаранг. Туманга электрлаштирилган темир йўл кели-ши бу ерликларнинг тушига кирмаган. “Байтқўрғон — Паркент” электрлаштирил-ган темир йўли катта лойиҳалардан бири. Бу йўналиш фойдаланишга топширилган,

Паркентдан пойтахтга бориш, туманинг хушманзара гўшаларига саёҳатга келиш оsonлашди. Бу ҳудудда нафақат туризмни, балки тадбиркорлиқни ҳам ривожлантиради. Бир йил олдин “Паркентсой” турар жой мажмуаси бўйида 125 та кўп қаватли уй ту-шади, дейилганида ишонмаганимиз. Мана, ўша уйларнинг 23 таси қаторлашиб қад рос-лаб турибди. Сотув бўлимига кирсангиз, бан-кирларимиз аҳолига “Уй харид қилиш учун имтиёзли ипотека кредити берамиз”, деяпти. Кам таъминланган, ёш оилаларга субсидия бериш имконияти яратилган. Уйларнинг пастки қисмида савдо дўконлари, аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуалари очилди, ула-рининг бари ишга тушса, юзлаб одам иш билан таъминланади.

Турар жой маскани атрофида мактаб, бо-ча, болалар майдончалари, 10 гектарли парк, сайилгоҳ ва велойўлаклар барпо қилиняпти. Аҳоли учун хушманзара маскан яратилади, атрофга илк ниҳоллар ҳам қадалган. Одамлар сўлим, замонавий, шинам уйларда истиқомат қилади.

Тумандаги янги лойиҳалар кишини ҳай-ратга солади. Тоғлар чўққисида замонавий дам олиш масканлари қад ростлаяпти. Дав-латимиз раҳбари ёнида юриб, биргаликда Олтинбел чўққисига чиқдик. Хушманзара тоғ бағридаги 3 гектар жойда 188 ўринли 2 та меҳмонхона, капсула шаклидаги уйлар, ресторан барпо этилган. Ана шу тоғларда тоғ-чанги курорти қуриш лойиҳаси ҳам ре-жалаштирилган. Умуман, Паркент бўйлаб ўнлаб замонавий туризм маскани қуриляп-ти. Уларга исталган хорижликни олиб келиб, кўксимизни тоғ қилиб кўрсатамиз.

Бугун шўқ қилишимиз учун ҳамма нар-са бор. Асосийси, юртимизда тинчлик ҳукм-рон. Тинчликка ҳеч нарса етмайди, айниқса, ҳозирги нотинч замонда буни чуқурроқ ҳис қиламиз. Халқимиз ўзи истаганидек яшаши учун барча шароитлар яратилган. Меҳнатдан қочмаган, ҳалоллиқни дастак қилган одам ол-дига қўйган барча мақсадларига эришяпти.

БИР ДОНА ГИЛОСИ ҲОВУЧНИ ТЎЛДИРАДИГАН БОҒ

Паркент йўллари тепаликлардан иборат. Баландликка қўқиб борганинг сари тоғлар чўққисини забот этаётгандек бўласан. Яқинда асфальтланган йўл бўйлаб тепаликка қараб юрдик. Атроф шунчалар гўзаллигидан маши-на юришга бир оз қийналаётгани ҳам билин-мади. Балки ҳайдовчи шунчаки эҳтиёткорроқ ҳаракатланаётгандир. Ҳар ҳолда тепаликка чиқиш оson эмас.

Ўша тепаликда “Meridian Tempo” корхо-насига қарашли каттагина интенсив бог бор. Атрофи ўралган 54 гектар майдонда гилос, олма, нок ва малинанинг экспортбоп навлари экилган. Яна кўчатлар маҳаллий эмас, Фран-ция ва Испаниядан келтирилган. Олдимизга қўйилган гилосни кўришим билан “Бу қандай нав, бунча катта бўлмаса бу гилос”, деган са-волни берганимдаёқ одатдаги нав эмаслигини тушунгандим. Меванинг мазасини-ку айтма-са ҳам бўлади. Бир оғизга солсангиз, қайта-қайта еб кўргингиз келаверади. Шираси жуда баланд, аммо таъбингиз тортаверади.

Тепаликда жойлашган бу боғда барча иш-лар замонавий технологиялар асосида йўлга қўйилган. Тўлиқ томчилатиб суғориш жорий

этилган, дарактлар ўзини ўзи чанглатиш ху-сусиятига эга, боғда ҳатто кўёш панеллари ҳам ўрнатилган. Мевалар олий нав бўлиб, нархи ҳам сифатиغا яраша. Бундан келадиг-ан даромад бошқа анъанавий ўсимликларга нисбатан бир неча баробар юқори. Давла-тимиз раҳбари интенсив боғда бўлганида, меваларни парваришlash ва қадоқlash бўйи-ча чет эл тажрибасини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Боғни тепадан томоша қилишнинг завқи-ни илк бор ҳис қилдим. Зина орқали чиқи-

ладиган айвончадан туриб, бир томонда бог, бошқасида тоғ манзарасини кўриб завқлан-дим. Эсаётган шабада эса инсон руҳиятини шунчалар тинчлантирадими, сўз билан тас-вирлаш қийин. Бог ичига қанчалик ҳайрати-миз янада ошди. Гилос мевалари шода бўлиб пишиб ётибди. Мевалар шунчалар каттаки, ҳовучингиз бир донаси билан тўлади. Пишиб етилган ҳосил экспортга йўналтирилади. Бу йил боғда 256 тонна гилос, 500 тонна олма, 480 тонна нок, 30 тонна малина ҳосили олиш мўлжалланган.



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ана шунақа гаплар. Бугун Паркент тумани биз билганимиз бир неча дам олиш масканидангана иборат ҳудуд эмас. Энди у замонавий туризм ман-зили, ижтимоий-иқтисодий ривожланаётган туман, аҳоли фаровонлиги ошиб бораётган ҳудуд, одамла-ри тадбиркорга айланиб, янгича ҳаёт нафаси сези-лаётган тараққиёт масканига айланган. Йўлингиз тушса, сиз ҳам Паркент томонларга, албатта, бориб кўринг.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ ҚЎЛЛАНИШИ ҚАНЧАЛИК АҲАМИЯТГА ЭГА?

Аксарият ёшлар математикани куруқ формула ёки амалларни ёдлашдан иборат деб билади. Дарсликлардаги назарий билимлар ва амалий машқлар кўпинча ўқувчининг когнитив жараёнини, хусусан, математик тафаккурни шакллантиришдаги асосий ролини етарлича ҳисобга олмайди. Натижада ўқувчиларнинг бу борадаги тушунчаларни ўзлаштириш самарадорлиги пасаяди, уларда мантиқий боғланишлар шаклланмайди. Бу ҳолат келажақда мураккаб математик масалаларни ечишда жиддий қийинчиликларга олиб келади.



Шавкат ШАРИПОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

2025 йил апрелида қатор мутахассислар умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида ўтказган аноним сўровнома натижасига кўра, ўқувчиларнинг 30-35 фоизи паст ўзлаштирувчи экани маълум бўлди. Тадқиқотдан мақсад математик тафаккурни ривожлантиришда илгор хорижий тажрибани, хусусан, Финляндия таълим тизими мисолида таҳлил қилиш ва Ўзбекистон шароитига мослаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш эди.

Бу мисолдан ўқувчиларда математик тафаккур шаклланиши кўринди. Ваҳоланки, математика барча фанларга асосдир. Математика бўйича ўқувчиларнинг бу кўрсаткичи кейинчалик жиддий муаммоларга сабаб бўлиш эҳтимоли катта. Демак, маса-

лага янада жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Финляндия таълим тажрибасини ўрганиш белгилаб берилгани бу масала давлат сиёсати даражасида эканини англатади.

Финляндия таълим тизими PISA (Халқаро талабаларни баҳолаш дастури) тестлари каби халқаро баҳолашларда мунтазам юқори натижа кўрсатиб келади. Мазкур тизим жаҳон миқёсида юқори сифатли таълим, барча учун тенг имконият, ўқитувчиларнинг нуфузи ва босимсиз ўқув муҳити билан алоҳида ажралиб туради. Унда бугун кўплаб мамлакатдаги қатъий мактаб текширувлари, мажбурий ўқув дастурлари, ўқувчилар ёки мактаблар ўртасидаги рақобат, стандартлаштирилган тестлар каби классик амалиёт умуман йўқ. Тизим ўқитувчилар, маъмурият ва маҳаллий ҳокимият органларининг автономиясига, ўқитувчилар малакаси асосланади.

“Education” сайтида берилган маълумотларга кўра, Финляндия таълимнинг асосий мақсади ҳар бир боланинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва сифатли таълимга универсал даражада киришишни таъминлашдир. Бу мактаблар ўртасидаги фарқни сезиларли даражада қамайтиради. Финляндияда таълимнинг барча босқичи — мактабгача таълимдан олий таълимгача бепул.

Финляндияда математика таълими асосий фалсафаси билимни шунчаки ёдлашдан кўра, чуқур тушунишга қаратилгани билан аҳамиятли. Миллий ўқув дастури ўқувчиларда мантиқий, аниқ ва ижодий математик фикрлашни

ривожлантиришни мақсад қилган. Концептуал тушунчаларни мустаҳкамлаш асосий устувор йўналишидир. Бу ўқувчилар формулаларни шунчаки ёдлаб олиш ўрнига уларнинг моҳияти, нима учун қўлланиши ва қандай шаклланишини англаб етиши муҳим, дегани.

Ушбу мамлакат таълимида муаммони ва лойиҳага асосланган ўқитиш усуллари-

Мактабларда таълим ва технология тўлиқ интеграция қилинади. Ёшлар тадқиқот учун планшетлардан, ёзиш учун ноутбуклардан ва ҳамкорликдаги ишлар учун иловалардан фойдаланади. Лекин бу шунчаки экранга қараб ўтириш, дегани эмас.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ЎЗБЕКИСТОН
ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИНИ
ЎРГАНИШ БОРАСИДА
КАТТА ИМКОНИЯТГА ЭГА.
АММО БУ ЖАРАЁН ШУНЧАКИ
НУСХА КЎЧИРИШ ЭМАС,
БАЛКИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ,
МОСЛАШУВЧАНЛИК ВА
МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ
ИНОВАТГА ОЛИШНИ
ТАЛАБ ЭТАДИ.

дан кенг фойдаланилади. Бу ёндашувлар ўқувчиларга математик билимларни реал ҳаётий вазиятдаги муаммоларни ҳал қилиш орқали амалиётда қўллаш имконини беради. Финляндия мактабларида 7 ёшгача математика расман ўқитилмайди, кўпроқ лойиҳа асосидаги ишлар орқали асосий тушунчалар эгалланади. Бу бажариб ўрганиш таълимига асосланиб, ўқувчиларда танқидий фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш ва муаммони ҳал қилиш қўникмаларини ривожлантиради.

Бундан ташқари, интеграциялашган таълим ёндашуви кенг қўлланиши ҳақида VDU ва HELDA (University of Helsinki) томонидан чоп этилган ишларда маълумот берилган. Бунда математика бошқа фанлар, масалан, физика, санъат ёки мусиқа билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Масалан, математикага оид термин ёки тушунчаларни бошқа умумтаълим фанларида ҳам учратиш мумкин. Бу эса ўқувчиларга билимларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқурроқ англаш ва математикани янада кенг тасаввур этиш ҳамда ўрганиш имконини беради.

“TechClass” сайтида келтирилшича, Финляндия таълимида уй вазифалари минимал даражада берилиши ва мустақил фикрлашга кўпроқ эътибор қаратилиши — асосий тамойил. Уй вазифалари қисқа ва мазмунли бўлиб, ўқувчиларга дарсдан ташқари вақтини эркин тадқиқот ёки ижодий фаолиятга бағишлаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, ўқувчининг ижодкорлиги ва мустақил ўрганиш қўникмаларини мустаҳкамлайди. Айни пайтда асабийлашиш (стресс) даражасини пасайтиради.

Ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашади. Ўйин шаклидаги машғулотлар ва интерфаол воситалардан фойдаланиш математиканинг янада қизиқарли ҳамда тушунарли бўлишини таъминлайди.

Бундан ташқари, Финляндияда инклюзив таълимга ҳам жуда катта эътибор қаратилган. Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва малакаси юқори даражада. Барча ўқитувчи магистр даражасига эга бўлиши шарт. Уларнинг тайёргарлиги амалиётда йўналтирилган бўлиб, назария ва амалиёт ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлайди.

стрессни қамайтиради, балки билимни мустаҳкамлайди, мантиқий фикрлашни ривожлантиради.

Ҳикоя тузиш

Финляндияда фанлараро интеграция муҳим. Математикани фақат рақам ва формулалар тизими сифатида ўргатиш ўрнига унинг тарихий ривожланиши, реал ҳаётда қўлланиши ва олимлар ҳикояларини дарсларга кириштиш керак. Ҳар бир математик тушунча ёки қоида ортида қандайдир ҳикоя мавжудлигини кўрсатиш, масалан, Фибоначчи кетма-кетлигининг табиатда учраши, Пифагор теоремаси қандай пайдо бўлгани, шунингдек, математикани санъат, мусиқа ёки архитектура билан боғлаш орқали ўқувчи иштиёқини ошириш мумкин.

“Математик ўйин” маданиятини шакллантириш

Финляндия мактабларида ўқувчиларнинг ўйин орқали ўрганишига катта эътибор берилади. Бизда эса математика кўпинча куруқ фан сифатида қабул қилинади. Ўзбекистон мактабларида, айниқса, бошланғич ва ўрта синфларда математик ўйинлар, мантиқий бошқотирма ва мусобақаларни дарс жараёнига мунтазам киритиш керак. Мазкур ўйин фақат дарсдан ташқари машғулот бўлмай, балки дарснинг ажралмас қисми бўлиши лозим. Бу орқали болаларда математикага қизиқиш уйғонади. Улар ўзи англамаган ҳолда математик тафаккурини ривожлантириб олади.

Юқорида ўқувчиларга кўпроқ эркинлик бериш ва уй вазифасини қамайтириш ҳақида фикр юритдик. Бўш вақтни ва дарсдаги эркинликни математик ўйин орқали мазмунли тўлдириш мақсадга мувофиқ. Бу метод нафақат

“Хато қилиш — янгиликни ўрганиш имконияти” тамоийли

Ўзбекистон таълим тизимида хато қилиш кўпинча салбий баҳоланади. Математика дарсларида ўқувчиларнинг хато қилишдан қўрқмаслиги учун шароит яратиш лозим. Хатоларни муҳокама қилиш, улардан сабоқ чиқариш ва ўрганиш жараёнининг бир қисми сифатида қабул қилиш керак. Ўқитувчи ўқувчининг хатосини тўғридан тўғри тузатиш ўрнига хато қарда эканини топишга ундаши, яъни индуктив ёндашувни қўллаш керак.



Мулоҳаза

Лаззат ЎТКИРОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети талабаси

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга эътибор бугун давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Айниқса, уларнинг таълим олиши, касб-хунар ўрганиши, илмий ва ижодий фаолият билан шуғулланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар таҳсинга лойиқ. Зотан, аёлнинг ўқимли бўлиши оила, жамият ва давлат тараққиётига замин яратади.

Маърифатли инсон дунёқараши ва имконият доираси кенг инсондир. Аёл учун эса илм жуда зарур. Чунки у келажақ авлодни тарбиялайди. Ишласа — бевосита, ишламаса — билвосита, яъни фарзандлар тарбияси орқали жамиятга фойда келтиради.

Аёл тақдир тақозоси билан ҳаётнинг турфа зарбаларига дучор бўлиши мумкин. Шундай вазиятларда ўрганган хунаро олган билими унга йўлчилик бўлади. Хотин-қизларни таълимга фаол жалб этиш давлатнинг ижтимоий юқини ҳам бирмунча енгиллаштиради. Чунки билимли аёл ижтимоий тўловларга

кўз тикиб ўтирмайди, фарзандларининг келажаги учун бор кучи билан мустақил ҳаракат қилади.

Бундан ташқари, маърифатли аёл жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради. Айнан у болаларни тарбиялайди ва онги, дунёқараши, билимини шакллантиради. Қиз бола олий маълумот эгаси бўлса, юксак билим ва салоҳият соҳибасига айлansa, ўзлаштирганларини келажақда фарзандларига ҳам сингдиради. Ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масаласига масъулият билан ёндашади. Чунки аёлга табиатан наслини давом эттириш ва миллатнинг қадрини кўтаридиган фарзандларни тарбиялашдек олий вазифа юқланган.

Мамлакатимизда аёллар ҳуқуқлари, хусусан, таълим олиш ҳуқуқи мустаҳкам қонуний асосда ҳимоя қилинмоқда. Хотин-қизларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар, давлат дастурлари бу борадаги эътиборнинг амалий ифодасидир. Бугун аёллар фақат анъанавий соҳаларда эмас, балки сиёсат, технология, фан, дипломатия, журналистика, тадбиркорлик каби йўналишларда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Бунинг асосида эса фақат ва фақат таълим ва эътибор ётибди.

Билимли аёл оила аъзоларини ҳам ўқишга, ўзини ривожлантиришга ундайди. У фарзандларининг биринчи устозига, жамиятдаги муҳим ислохотлар ҳаракатлантирувчисига

“Хотин-қизларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар, давлат дастурлари бу борадаги эътиборнинг амалий ифодасидир. Бугун аёллар фақат анъанавий соҳаларда эмас, балки сиёсат, технология, фан, дипломатия, журналистика, тадбиркорлик каби йўналишларда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Бунинг асосида эса фақат ва фақат таълим ва эътибор ётибди.



айланади. Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда юртимиздаги олий ўқув юртида тахсил олаётган талабаларнинг 47 фоиздан ортигини айнан хотин-қизлар ташкил

этади. Бу аёлларнинг таълимга интилиши йилдан йилга ортиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида

“Математик лаборатория” тушунчаси

Финляндия таълимида амалиётга катта эътибор берилади. Математика дарсларини назарий жиҳатдан ўргатишдан ташқари, мактабларда “математик лабораториялар” ёки “амалий математика хоналари” ни ташкил этиш керак. Бу ерда ўқувчилар турли математик моделлар, геометрик шакллар, ўлчов асбоблари ва бошқа амалий воситалар ёрдамида математик тушунчаларни тажриба қилиши мумкин. Олдинги жиҳатдан ишнот қилиш орқали геометрик ҳисоб-китоби ўрганиш, катта идишни сувага тўлдириб, ҳажмини ўлчаб кўриш, югуриш ёки велосипед бошқариш натижасида тезлик ўзгариши, массфони топиш, савдо ишларини бажариб, фойдани фойда ҳисоблаш, дастурлаш орқали математик функцияларни визуаллаштириш каби ишлар шулар жумласидан.

Финляндия мактабларида ўқув юкламаси босқичма-босқич ошириб борилади. Бошланғич синфларда (1-2-синф) ҳафталик дарс соатлари нисбатан оз — энг камида 19 соат. Бу эса болаларнинг ўйин ва ижодий ривожланишига кўпроқ вақт ажратиш имконини беради. Аммо юқори синфларга (9-синф) ўтганда бу кўрсаткич 30 соатгача етади. Умумий ҳисобда тўққиз йиллик мактаб давомида ҳафталик юклама 222 соат бўлади. Солиштирсак, Ўзбекистонда бу кўрсаткич анча юқори — 254 соат. Бу жуда қизиқарли ва чуқур таҳлил талаб қиладиган маълумот. Яъни Финляндиянинг кам дарс соатлари билан юқори натижага эришиши, ўқув юкламаси миқдоридан кўра, сифат ва самарадорликка урғу бериш муҳимлигини кўрсатади.

Дарс соати кўпчилиги баъзан ўқувчиларнинг ўқишдан зерикшига олиб келади. Математик тафаккурни ривожлантириш, масалан, формулаларни ёдлатишдан кўра, амалий масалалар ечиш, мантиқий ўйинлар ва лойиҳа ишларига кўпроқ вақт ажратиш самарали бўлиши мумкин. Ўқувчиға мустақил фикрлаш, ижодий ёндашув ва билимларни амалда қўллашга етарли вақт берилиши керак.

Ўзбекистон таълим тизими Финляндия тажрибасини ўрганиш борасида катта имкониятга эга. Аммо бу жараён шунчаки нусха кўчириш эмас, балки чуқур таҳлил, мослашувчанлик ва миллий ўзига хосликни инноватга олиш талаб этади.

Аслида, Финляндия таълим тизими ютуқлари ва ўқитиш усуллари Ўзбекистонда аллақондан бўён мавжуд. Фақат улар кўпинча ўқув марказлари, хусусий мактаблар, репетиторлик курсларида қўлланилмоқда. Бунинг марказларда таълим олганларнинг аксарияти, яъни 90 фоиздан ортигининг биринчи уринишдаёқ олий таълимга қабул қилинишидан ҳам кўриш мумкин. Бу эса “Нера 11 йил мактабда ўқиган ўқувчи олий таълимга қира олмайди-ю, икки йил репетиторга борганлар қиради?” деган саволга жавоб бўлади. Репетиторликдаги самарадорлик Финляндияда қўлланиладиган ўқитиш усуллариға ўхшашлигидир.

Репетиторга борган ўқувчиларнинг билим даражаси нисбатан сифатли бўлишига етарли сабаблар бор. Жумладан, репетитор мавзунини қачон ва қандай ўқитишни билади. Чунки у дарс ва ўқув дастурини ўз хоҳишига кўра режалаштиради. Ўқувчиға индивидуал ёндашади. Болалар билимга қараб турмушларига ажратилади. Ўқувчилар дарсда нисбатан эркин ўтиради. Дарс ўйин шаклида ўттилади. Мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланилади. Ота-оналар билан яхши ҳамкорлик ўрнатилади.

Агар энг яхши репетиторлар мактабларга жалб қилинса, синфлардаги ўқувчилар сони қамайтирилса, шунингдек, мактаб ўқитувчиларига сал бўлса-да, эркинлик берилса, ортиқча ҳужжатбозликлар бекор қилинса ва муаллимлар молиявий қўллаб-қувватланса, катта натижаларга эришиш мумкин. Репетиторлар ўқув марказларидан олган ойлигини мактабда ҳам олса, мамнуният билан дарс ўтишга тайёр.

Тўғри, ҳозир мактаб ўқитувчилари анча маънавий ва моддий қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, миллий ва халқаро сертификатга эга бўлиш, тил билиш, фан олимпиадаларида ўқувчиси ғолиб бўлса, рағбатлантириш каби-лар бор. Аммо аммо ўқитувчи ҳам бундай имкониятга эга эмас. Фанлардан яхши билим ва кучли ўқитиш методикасига эга ўқитувчилар анча. Бундай муаллимларнинг муайян қисми хусусий мактаб ва ўқув марказларида фаолият юритади. У муассасаларда эса ўқувчи сони кам. Демак, таълимни ривожлантириш ҳам шунга яраша бўлади.

ташкил этилган “Аёллар ўқув марказлари”да 2022-2024 йилларда 60 мингдан ортиқ хотин-қиз замонавий касб-хунар, ахборот технологиялари, тивувчилик, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш йўналишларида тахсил олган. Уларнинг асосий қисми иш билан таъминланиб, бизнесини йўлга қўйган.

Хотин-қизлар таълимига оид жиҳатлардан яна бири қишлоқ жойлардаги аёлларнинг илм олишига қўмаклашишдир. Илгари қишлоғи руҳсат бермаган, эрта турмушга чиқаришга мойил бўлган ижтимоий стереотиплар аста-секин баргараф этилмоқда. Бугун айнан қишлоқ жойлардан чиққан қўллаб қизлар миллий ва халқаро грантлар асосида олий таълимга қабул қилинмоқда. Масалан, Фаргона вилоятининг Риштон туманида истиқомат қилувчи Зилола Жўраева 2022 йилда “Аёллар дафтари” орқали имтиҳонга тайёргарлик кўрган ва ЎЗМҲга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган. Ҳозир у журналистика йўналишида тахсил олмоқда.

Аёл фақат оила мазмунини асос, балки жамиятга маданият, маърифат ва меҳр-оқибат тисмоли ҳамдир. Шунинг учун хотин-қизларнинг таълим, илм-фан, сўз эркинлиги ва ижтимоий фаоллика интилишини қадрлаш келажак авлод тарбияси пойдевори.

Бу борадаги давлат сиёсатининг тизимли ва изчил амалга оширилаётгани, хотин-қизларга нисбатан ҳурмат ва эътиборнинг ошгани мамлакатимизнинг маънавий қиёфасини намоён этади. Шундай экан, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, ҳар бир таълим муассасаси аёллар таълими масъулиятини янада яхшироқ ҳис этиши айтилмоқда. Чунки билимли аёл — бу бахтли оила, баркамол фарзанд ва кучли жамият асоси.



Навоий ижоди шу қадар поёнсиз туйғулар оламики, ундан инсон ҳиссиётининг барча жилоларини топиш мумкин. Севги, соғинч, рашк, умид, айрилик укубати, висол шодлиги, юрт меҳри, фидолик, жасорат... бу санокни чексизлик қадар давом эттириш мумкин. Тасаввуримда инсон руҳиятининг бирор ҳолати йўқки, Навоийда унинг ифодаси учун бир байт топилмасин. “Хазойин ул маоний” фақат маънолар хазинаси эмас, инсоний туйғулар қомуси, ҳиссиётнинг бепоеён олами ҳамдир.

Хазратнинг бир ғазали “Ваҳки, умрим барча зое бўлди эл коми била” деб бошланади. Шейр бошдан-оёқ озодлик туйғуси ҳақида. Ғазалининг биринчи сатриёқ кишини чексиз ҳаёлларга гарқ қилади:

*Ваҳки, умрим барча зое бўлди эл коми била,
Бодаи ноб ўрнида хуноба ошми била.*

Нақадар буюк изтироб бор бу сўзларда. Биргина шоирнинг эмас, бор инсониятнинг, ҳамма замон ва маконларнинг дарду алами бор. Ком — истак, хоҳиш, демак. Комронлик ўз истагига кўра яшамок, яъни озод бўлмоқдир. Шоир таассуф билан мен ўз истагимга кўра яшамадим, бошқаларнинг раъйи билан, замонга зайилга бўйин эгиб кун кечирдим, ҳеч қачон ихтиёрим ўзимда бўлмади демоқда. Шу боис, ичганим бода эмас, қонли ёшларим бўлди. Ҳаётим зое кетди.

Бу фақат XV асрнинг эмас, барча замонларнинг изтиробидир.

Буюк шахсияти, кенг билим ва дунёқараши билан ўз даврининг тор қолипларига сикмаган Навоий фарёд қилади:

*Кимса ўз йил комронлиг қилса, билким, арзимас,
Дахр аро бир лаҳза бўлмоғлиқ биров коми била.*

Эрксизлик шундай аламли ҳолатки, агар юз йил ўз эркин билан яшасанг, бир лаҳза ихтиёрсизлик бу юз йиллик

“ОДАМЗОД ҲАМИША КЎНГЛИМ НИМА ДЕЙДИ ДЕБ ЭМАС, ЭЛ-ЮРТ НИМА ДЕЙДИ ДЕБ ЯШАР ЭКАН. КЕРАК ВА КЕРАКСИЗ ҒАМ-ҚАЙҒУ, ТАШВИШЛАРНИ БОШИГА ОРТАР ЭКАН, ҚАЛБНИНГ ЭНГ ҲАССОС ЭЗГУ ТУЙҒУЛАРИНИ ЯШИРМОҚҚА МАЖБУР БЎЛАРКАН. ИНСОН ЖАМИЯТДА ЯШАБ ТУРИБ ЖАМИЯТНИНГ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ, УРФ-ОДАТЛАРИДАН, ҲАЁТ ТАРЗИДАН ЧЕТДА ТУРОЛМАС ЭКАН. ОЗОДЛИК АНГЛАБ ЕТИЛГАН ЗАРУРАТ ДЕЙИЛАДИ. ЖЎН СЎЗ БИЛАН АЙТСА, ОЗОДЛИКНИНГ ЎЗИ ТУТҚУНЛИК ЭКАН...”

бахтдан нишон қолдирмайдми. Эрксизликнинг бир дақиқаси ҳам оғир кўргилик экан. Умрга татигулик қайғу экан.

Биров коми нима? Бу ўзганинг истаги, хоҳиши, иродаси, изми, рухсати, раъйи демакдир. Навоий учун эрксизликда ичилган обихаётдан кўра, ўз хоҳиши билан ичилган заҳар яхшироқдир.

*Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,
Ичса ҳайвон шартатин нокомлик жасми била.*

Биров зўрлаб ичирган қадаҳ нокомлик жомидир. Байтнинг маъносини лўнда қилиб айтса, эрксиз яшагандан кўра ўлган яхши, демакдир.

Ғазал давом этади. Навоий байтлар оша гўзал ташбиҳлар, аниқ ҳаётги манзаралар орқали инсон ҳурриятини улуғлайди, бандчилиг уқубатини чуқур дард билан тасвирлайди.

*Юз дилором айлагандан рава ҳубси яхшироқ,
Бўлмоқ ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.*

*Эй кўнгли, эл субҳи айши сори боқма, хўй қил,
Фардлик вайрониди меҳнат қаро шими била.*

Агар жаннат богига кирсанг, юзта пари сени ўрасаю, сенда бирор ёққа кетиш ихтиёри бўлмаса, рава ичра ҳибса бўлсанг, ундан кўра ўз вайронангдан кўнглинг ороми, озодлик, тинчлик ва хотиржамлигинг билан қолганинг яхши. Шоир юксак санъат билан “дилором” ва “кўнгли ороми” сўзларини ёнма-ён келтириб, бу ўхшаш сўзларнинг икки тамоман бошқа маъноларини очади. “Дилором”нинг маъноси бу ўринда пари пайкар бўлса, “кўнгли ороми” деганда хотиржамлик, тинчлик, осойишталик ҳолати тушуналади.

Навоий ёлғизлик истагини кўп ёган. Ҳиротдек зарифлар шаҳрида ҳам фикри тор, қалби нурсиз, суҳбати саёз, ғийбатчи, майда одамлар йўқ бўлмаган чоғи, “парим бўлса учиб қочсам улусдин то қанотим бор”, деган каби сатрлар “Хазойин ул маоний”да талайгина бор. Бу ғазалда Навоий ана шундай тоифа ичига тушиб қолмоқни тутқунликка қиёслайди, уларнинг чарогон субҳи айшидан меҳнат шомини, яъни азобли қоронғиликни,

шоир тутқун бўлиши мумкинми? Инсониятга ўзидан маънолар хазинасини қолдирган, кўплаб мадрасалар, дорушифолар, кўп-риқлар қудриб, элга яхшилик қилган, умрининг ҳар лаҳзасини эзгулик хизматига бахш этган Навоийдек инсон “*ваҳки, умрим барча зое бўлди*” деса, бошқалар нима десин?

Шундай деймизу кўнгилда бошқа бир савол туғилади. Ким эркинроқ? Оддий одамларни ёки юксак мартаба ва шон-шухрат эгаларини? Чумолидай ўз ризқини териб, аравасини ҳайдаб, ашуласини айтиб юрган одам озод ва бахтлими ёки ҳар қадами эл назарида, подшолик назарида бўлган улуг амирми?

Шейр маъносига кирган сари кишига саволлар ёғилиб келаверади. Мутлақ озодлик борми ўзи? Инсон фақат ўз истаги билан яшаши мумкинми? Жамиятда яшаб туриб, инсон бу жамиятнинг қонун-қоидаларидан ташқарида бўла оладими?

Одамзод ҳаммаша кўнглим нима дейди деб эмас, эл-юрт нима дейди деб яшар экан. Керак ва кераксиз ғам-қайғу, ташвишларни бошига ортар экан, қалбнинг энг ҳассос эзгу туйғуларини яширмоққа мажбур бўларкан. Инсон жамиятда яшаб туриб жамиятнинг қонун-қоидалари, урф-одатларидан, ҳаёт тарзидан четда турулмас экан. Озодлик англаб етилган зарурат дейилади. Жўн сўз билан айтса, озодликнинг ўзи тутқунлик экан...

Одатда шейрни таҳлил қилганда биз: “Шоир ундоқ дейди, бундоқ дейди, фалон гоёни олган сурати” деса сўз юратимиз. Аслида, шейр насихат, тарғибу ташвиҳ эмас, юрак тебранишлари эканини унутамиз. Навоий ушбу ғазалда инсон эркини тарафдан этган, десам ҳақиқатнинг ҳаммаси бўлмас. Агар фақат шундай бўлганда беш юз йил ўтиб, бутун у бизнинг юрагимизни ларзага солмас, ҳаёлларимизни чулғамас эди.

Ғазал инсоннинг мангу дарди тўғрисида, кўринмас кишанлари тўғрисидаги ҳасратли қиссадир. Шоир юрагини тўлдирган армон, ичдан чиққан чуқур хўрсинқидир.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



Яқинда Бухоро вилоятида “Насриддин Афанди”, “Шарқ таомлари” ҳамда “Ипак ва зираворлар” фестиваллари ўтказилди. Мазкур тadbирлар Бухоронинг эски шаҳар қисмида, тарихий обидалар бағрида бўлиб ўтди. Бундай йиғинлар қадимий бинолар ичкарисида фаолият юритаётган хунармандлар учун аини муддао. Зеро, шундай тadbирларда улар миллийлигимизни тарғиб қиладиган буюмларни кўпроқ намоиш қилади. Фестивалда сайёҳлар Бухоро хунармандлари тиккан кўплаб миллий либослар, сумка ва турли эсдалик совғаларни ўз юртларига олиб кетди. Кўзни қамаштирадиган ранго-ранг буюмлар кўргазмаларини тасвирга муҳрлаб, яқинларига ҳам улашди. Шу тариқа хунармандлар сайёҳлик ривожига бекиёс ҳисса қўшмоқда.

ЁҒОЧГА ЖОН, ҚОҒОЗГА РУҲ БАХШ ЭТГАНЛАР



Бундан 4 йил аввал Бухорода бўлиб ўтган “Ипак ва зираворлар” фестивали доирасида Габоисё шаҳридаги “Нақшбанд” хунармандлик маркази очилган эди. Президентимизнинг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги фармонида кўра, ажратилган майдонда Бухоро хунармандчилик мактаби ташкил этилди. Аини марказ ҳам бугун қадимий хунармандлик турларини тиклаш, ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, туризм ривожига хизмат қилапти. У ердаги тасвирий санъат музейи, ресторан ҳамда меҳмонхона маҳалли ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум. Уларни уста хунарманд Акмал Муҳиддинов бошчилигида тайёрланаётган Бухоро ипак қоғози, каштачилик намуналари, сомонли тасвирий санъат асарлари кўпроқ қизиқтирапти. Ёғоч ўймакорлиги устахонаси эса меҳмонларга Бухоро мактаби асосида йўлга қўйилган устоз-шогирд анъаналаридан сўзламоқда. Марказда харидор буюртма қилган маҳсулотининг тайёрланиш жараёни, унинг барча машаққат ва завқини кузатиши мумкин. Бу хунармандлар учун ҳам қулай. Яна бир эътиборли томон, ёшлар учун бу жараён маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Бухоро мактаби асосида давом этаётган устоз-шогирд анъанаси шу тариқа ривожланиб борапти. Масалан, Акмал Муҳиддинов ёғоч ўймакорлигига оид 20 га яқин тарихий нақшни қайта жонлантирди. Бунинг асосий омилли уста



қайта тиклашга эришдик. 2017 йили бу бўйича алоҳида китоб чиқаришга муваффақ бўлдик”, дейди суҳбатдошимиз фахрларини.

Акмал Муҳиддиновнинг айтишича, қадимда шаҳар марказидан Ўғрибонгача бўлган 5 километр худудда 240 та турли хунармандлик устахонаси бўлган. Улар амирликка хизмат қилган. Тарихчилар мазкур объектни ўрганиб, 250 га яқин хунармандлик устахонаси бўлганини аниқлади. Ўтган асрда устахоналар кум бархани остида қолиб, ташландик жойга айланган эди. Бундан 10-15 йил олдин ҳам бу жойлар ташландик ер эди. Кейинги йиллардаги ислохотлар, маданият, қайта тиклашга эришдик. 2017 йили бу бўйича алоҳида китоб чиқаришга муваффақ бўлдик”, дейди суҳбатдошимиз фахрларини.

Акмал Муҳиддиновнинг айтишича, қадимда шаҳар марказидан Ўғрибонгача бўлган 5 километр худудда 240 та турли хунармандлик устахонаси бўлган. Улар амирликка хизмат қилган. Тарихчилар мазкур объектни ўрганиб, 250 га яқин хунармандлик устахонаси бўлганини аниқлади. Ўтган асрда устахоналар кум бархани остида қолиб, ташландик жойга айланган эди. Бундан 10-15 йил олдин ҳам бу жойлар ташландик ер эди. Кейинги йиллардаги ислохотлар, маданият,

ларга ишлаш учун кенг имконият яратиб берилаётганидир.

— Аини кунларда Ислон цивилизацияси марказидаги Ибн Сино худудига ёғоч ўймакорлиги намуналарини тайёрлашимиз. Бундан ташқари, Имом Бухорий мажмуасидаги аллома қабри атрофида Бухоро услубида ёғоч айвон ясашимиз. Бухоро ёғоч ўймакорлиги мактаби геометрик нақшларга бойлиги билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Буюртмамиз кўп, — дейди Акмал Муҳиддинов.

Яқинда Президентимиз юқори мартабали меҳмонлар, Европа кенгаши президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси президенти Урсула фон дер Ляйен билан Самарқанд Халқаро туризм марказидаги “Бокий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасида бўлди. Аини манзилда ҳам уларга халқимизнинг бетаквир бадий, хунармандлик ва мусиқий маданияти намоиш этилди. Хунармандларимизнинг қўл меҳнати юқори мартабали меҳмонлар эътиборини тортиди.

Жорий йил апрелда Япониянинг Инами шаҳрида “World Wood Day” ёғоч ўймакорлиги хунармандчилик тadbири бўлиб ўтди. Унга бошқа давлатлардан бир нафардан, фақат Ўзбекистондан икки нафар ёғоч ўймаkori таклиф этилди. Бу ҳам бўлса, ноёб хунаримизнинг қиймати баландлигига ишора. Акмал ака билан шулар хусусида гаплашар эканмиз, “Асосий фаолиятимиз ёғоч ўймакорлиги, лекин сомондан тасвирий санъат асарлари яратиб билан ҳам 15-20 йилдан бери шуғулланамиз. Бухоро қадимий қоғозларини

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-646.
36191 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Муасххх: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 22:45
Тошхирлиди — 23:05